



**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти**

Иқтисодиёт ва бошқарув факултети

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Иқтисодиёт ва бошқарув
факултети декани, в.б., доцент

_____ **А.У.Астанов**
«_____» _____ 2012 йил

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси

5340900- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналиши бўйича

Битирув малакавий иши

**Мавзу: Фермер Хўжаликларида Бухгалтерия Ҳисобини Ташиқил
Этиш Муаммолари Ва Уни Ҳал Этиш Йўллари**

(Жомбой туман “Наврўз” фермер хўжалиги мисолида)

Бажарди: Бухгалтерия ҳисоби
ва аудит йўналиши IV босқич
толиби

Қаххаров А.

Илмий раҳбар, доцент

Холмурзаев М.

Малакавий иш муҳокама
қилинди ва ҳимояга рухсат берилди.
Кафедра мудири, доцент
«_____» _____ 2012 йил.

Холмурзаев М.

САМАРҚАНД – 2012

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Иқтисодиёт ва бошқарув факултети Бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналиши IV босқич толиби **Қаххаров Алишернинг «Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш муаммолари ва уни ҳал этиш йўллари»** (Жомбой туман “Наврўз” фермер хўжалиги мисолида) мавзусидаги битирув малакавий ишига

Рухсатнома

Мазкур битирув малакавий иш Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедрасининг 2012 йил _____ йиғилишида муҳокама қилиниб, № ____ баённома билан Давлат Аттестация ҳайъатида ҳимоя қилишга тавсия этилди.

Кафедра мудири, доцент

Холмурзаев М.

Илмий раҳбар, и.ф.н., доцент

Холмурзаев М.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I БОБ. МАВЗУНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ ВА АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	7
II БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА РЕСУРСЛАР САЛОҲИЯТИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНияТЛАРИ.....	16
2.1. Ер-сув ресурслари ва улардан фойдаланиш.....	16
2.2. Меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш.....	21
2.3. Моддий ресурслар ва улардан фойдаланиш.....	25
III БОБ.ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА ИННОВАЦИОН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	31
3.1.Бухгалтерия ҳисобига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар	31
3.2. Фермер хўжлигида бухгалтерия ҳисобини соддалаштирилган шаклини ташкил этиш	38
3.3. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартлар даражасига чиқариш асосидир	45
3.4. Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобнинг асосий тамойиллари	55
V БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ.....	64
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	70
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	72

КИРИШ

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган улкан иқтисодий ўзгаришлар республикамиз ҳисоб тизимини ҳам ўз ичига камраб олмоқда. Айниқса, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларининг амалиётга татбиқ этилаётганлиги, ҳисоб ишларини амалиётда қўлланилишида компьютер техникаларининг кенг қўлланилиши, ҳисобот ишларини электрон вариантларда узатилиши кабилар бунда алоҳида аҳамият касб этади.

Бухгалтерия ҳисобидан фойдаланувчилар доираси анча кенгайиб бораётганлиги, интеграция жараёнлари чуқурлашаётганлиги, қўшма корхоналар барпо этилаётганлиги, жаҳон молия бозорига (қимматли қоғозлар биржаларига, халқаро банкларга, фондларга ва бошқаларга) чиқиляётганлиги сармоялар, ишчи кучи ва валютанинг айрим мамлакатлар ўртасида эркин ҳаракатланиши зарурлиги бухгалтерия ҳисоби тизимини жаҳон андозаларига қўчиришни янада қаттиқроқ талаб қилмоқда. Қолаверса, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро талабларга мувофиқ ўзгартириш кейинги вақтларда Ўзбекистон учун ҳам тобора долзарб вазифага айланмоқда. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида республикада халқаро андозаларга тўла-тўқис мос келувчи бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

Мавзунинг долзарблиги. Фермер хўжаликларнинг ички ва ташқи хўжалик операцияларини амалга оширишда бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли ушбу битирув малакавий ишнинг мавзуси долзарб мавзулардан бўлиб ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу мавзу долзарблиги ва иқтисодиётни такомиллаштиришда тутган ўрнининг ниҳоят даражада кенглиги билан доимий равишда тадқиқотчи олимларнинг диққат марказида бўлган. Хусусан, мавзу юзасидан олимлардан Вахобов А., Абдуллаев Ё.А., А.Алиқулов, Жўраев Н., Мусаев И., Зайналов Ж., Санаев Н.С., Сотиболдиев А., Ўразов К., ва бошқалар бир қатор илмий тадқиқотлар олиб боришга

муваффақ бўлишган. Битирув малакавий ишни ёзиш давомида ушбу олимларнинг асарларини дастурил амал қилиб олдик.

Тадқиқот мавзусининг мақсади ва вазифалари.

Мақсад: Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва уни такомиллаштириш йўллари илмий тадқиқ этиш.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланган:

фермер хўжаликларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг назарий ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

фермер хўжаликларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ҳозирги ҳолатини илмий тадқиқ этиш;

фермер хўжаликларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг такомиллашган вариантларини тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқот объекти сифатида Самарқанд вилоят Жомбой туман фермер хўжаликлари танлаб олинди.

Тадқиқотнинг услуб ва услубияти. Битирув малакавий ишни ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Вазирлар маҳкамаси қарорлари, иқтисодчи олимларнинг мавзу доирасида олиб борган тадқиқотларидан фойдаланилди.

Шунингдек, таҳлил юритишда индукция, дедукция, таҳлил ва боғлиқлик, мавҳумийликдан аниқликка силжиш усуллари билан бир қаторда синтез, статистик ва математик кўрсаткичлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги шу бўлдики, тадқиқотда фермер хўжаликлар иқтисодий фаолиятида бухгалтерия ҳисобининг тутган ўрни ва аҳамияти тадқиқ қилинди.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Маълумки, кейинги йилларда туман ялпи маҳсулотини асосий ташкил этувчи манбаасида фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришининг самоғи юқори бўлмоқда. Шу билан биргаликда, фермер хўжаликларининг бухгалтерия ҳисобини юритилишида муаммолар мавжуддир. Бу эса фермер хўжаликларининг иқтисодий

потенциалини яхшилиш борасида бир қатор янгича амалий ислохотлар ўтказиш, иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган молиявий муносабатларнинг янгича соҳаларини ишга тушириш ҳисобига иқтисодиётни мустаҳкамлашни талаб этади.

Бозор муносабатлари шароитида фермер хўжаликлар фаолиятида бухгалтерия ҳисобини юритилиши ва улардан оқилona фойдаланишнинг истиқболли жиҳатларини таклиф этишга йўналтирилган ушбу битирув малакавий иш юқоридаги масалаларни ижобий ҳал этишда амалий ёрдам бериши, шубҳасиз.

I БОБ. МАВЗУНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ ВА АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бозор тамойиллари асосида ривожланиб бораётганлиги ишлаб чиқариш таркибида давлат мулк салмоғининг кескин камайиб, нодавлат мулкчиликка асосланган фермер хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш орқали иқтисодиётнинг ривожланиб боришига замин яратди.

Хусусий мулк ва эркин тадбиркорлик тамойиллари асосида фаолият юритувчи фермер хўжаликларининг ўрни ва аҳамияти юксалмоқда. Аммо, шу билан биргаликда фермер хўжаликларини иқтисодий фаолиятида бухгалтерия ҳисобини оқилона ташкил этиш борасида кўплаб ишларни амалга ошириш талаб этилмоқда. Чунки бухгалтерия ишларини тўғри ташкил этиш орқали бошқарув тизимини зарурий маълумотлар билан ўз вақтида тامينлаш орқали фермерда бозорга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича ривожланган хизмат кўрсатувчи тармоқларга эга бўлмасдан туриб ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бозорга рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариб таклиф этиш имконияти фермер хўжаликларида кескин чегараланиб қолади.

Бухгалтерия ҳисоби хизматлари бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиб ва сифатли тайёр маҳсулотлар олишида муҳим аҳамият касб этади ва фермер хўжаликларининг бир маромда, барқарор фаолият кўрсатишни таъмин этади. Куйида ушбу мавзуларга тааллуқли бўлган ва битирув малакавий ишни ёзишда фойдаланилган адабиётларнинг энг муҳимларига шарҳ бериб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида. 30.08.1996.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда ҳисобот тузиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳужжати билан тартибга солинади. Ушбу Қонун 24 моддадан иборат бўлиб, унда бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари (2–модда), бухгалтерия ҳисоби субъектлари (3-модда),

бухгалтерия ҳисоби объектлари (4-модда), бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш (5-модда), бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш (7-модда), бошлангич ҳисоб ҳужжатлари (9-модда), бухгалтерия ҳисоби регистрлари (10-модда), даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш (13-модда), хусусий капитални ҳисобга олиш (14-модда), молиявий ҳисобот (16-модда), молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби (19-модда) кабилар алоҳида моддаларда белгилаб берилган. Қонуннинг 7-моддаси « Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш » деб аталиб, биз тадқиқот ишни бажаришда ушбу моддада кўрсатилган қонун кўрсаткичларини дастурил амал қилиб олдик.

Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрирда). Фермер хўжалиги тўғрисида. 26.08.2004.

Қонун 6 бўлим, 36 моддадан иборат. Фермер хўжалигини ташкил этиш ҳамда тугатиш тартиби билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳужжати билан тартибга солинади. Ушбу Қонуннинг мақсади фермер хўжаликларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонуннинг 3-моддасида «Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир» деб таъриф берилган. Шунингдек қонунда фермер хўжалигини ташкил этиш шартлари, фермер хўжалигини ташкил этиш тартиби, фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш, фермер хўжалигининг устави, фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари бериш тартиби, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзолари томонидан фермер хўжалигини ташкил этиш хусусиятлари, ердан фойдаланиш, ер участкасидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ, сувдан фойдаланиш, фермер хўжалигининг ҳуқуқлари, фермер хўжалигининг мажбуриятлари, фермер хўжалигининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари, фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти, маҳсулотни фермер хўжалиги томонидан реализация қилиш тартиби, фермер

хўжалигини кредитлаш ва суғурталаш, фермер хўжаликларини давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш, фермер хўжалигини тугатиш асослари кабилар моддаларда ёритилган.

Каримов И.А. «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир». Т.: «Ўзбекистон», 2010 йил.

Мамлакатимизда ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади.

Ушбу асарда Президентимиз Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» номли маърузалари ёритилган. Унда қишлоқ хўжалик соҳасида ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлиги тўғрисида ҳам такидлаб ўтилган.

Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: «Ўзбекистон», 2009 йил.

Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози

оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олиш, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантириш ва уларни изчил амалга оширишни тақозо этади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлишига қарамай 2008 йилда эришилган ижобий натижа ва ютуқлар баҳоланиб, республикаimizдаги иқтисодий салоҳиятдан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган. Ушбу асарда белгиланган вазифалардан бири ҳар бир корхонада маҳсулот таннархини 20% гача камайтириш режаси ишлаб чиқилиши ва уни бажарилишини таъминланиши лозимлиги белгилаб берилган. Фермер хўжаликларида ҳам маҳсулот таннархини пасайтириш дастури тузишдан олдин, албатта маҳсулот таннархи таҳлил қилиниши лозим.

Президентимизнинг ушбу асарларида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади.

Каримов И.А. «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» «Ўзбекистон» НМИУ, 2012 й

Ушбу китобда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизнинг ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиш арафасида ва ундан кейинги дастлабки ойларда олиб борган жўшқин ва

серкирра сиёсий-ижтимоий фаолият акс эттирилган. Бу китобдан давлатимиз раҳбарининг айти шу мураккаб тарихий даврда сўзлаган маъруза ва нутқлари, суҳбат, мақола ва интервьюлари ўрин олган.

Бу китобнинг ижтимоий моҳияти, илмий-назарий қиммати ва аҳамияти нақадар беқиёс экани бугун, вақт ўтиб, Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик санаси нишонланаётган шу кунларда, айтиққа, яққол намоён бўлди. Бу тўпلامдан жой олган ҳар бир чиқишни муҳим сиёсий воқеа, юртимизни миллий истиқлолга олиб келган машаққатли ва шарафли кураш тарихининг ўчмас саҳифаси, деб аташ мумкин.

Албатта, бу китобда ана шу даврда юз берган барча воқеа-ҳодисаларни ва муаллифнинг уларга булган муносабатини хронологик тарзда тўла ва батафсил акс эттириш мақсад қилиб қўйилмаган. Асосий мақсад — совет давлати ҳали ўзининг ҳукмронлик кучини йўқотмаган, унинг репрессив сиёсати давом эта- ётган, «пахта иши» деган тухмат билан қанча-қанча одамлар ноҳақ қамалган, тазйиқ ва таъқибларга учраган, халқ ўртасида тушқунлик, эртанги кунга ишонч- сизлик кайфияти, қўурқув ва ваҳима кенг тарқалган бир пайтда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислон Каримовнинг мустақилликка эришиш ма- саласини кун тартибига қатъий қилиб қўйганини аниқ тарихий ҳужжатлар орқали кўрсатиш, бу йулда қандай улкан ишлар амалга оширилгани ҳақида ўқувчиларга маълумот етказишдан иборат.

Шунинг учун ҳам ушбу китобда Юртбошимизнинг ўша даврдаги барча чиқишлари тўлиқ берилмасдан, асосан халқимизнинг асрий орзуси бўлган миллий истиқлол мавзусига оид фикр ва қарашлари атрофлича ўз ифодасини топган. Бошқача айтганда, мустақиллик ғояси, мустақиллик мавзуси мазкур тўпلامга киритилган барча нутқ ва маърузаларда бамисоли «қизил ип» бўлиб ўтади.

“Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжат айланмаси тўғрисида” Низом. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2004 йил 14 январда 1297 сон билан рўйхатга олинган.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, бухгалтерия ҳисобида ҳужжатларни тузиш, қабул қилиш, сақлаш ва акс эттиришни ягона тартибини, шунингдек ҳужжатлар айланишини амалга ошириш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом 4 та параграф ва 57 та банддан иборат бўлиб, 1-§ “Умумий қоидалар”, 2-§ “Дастлабки ҳужжатларни ва ҳисоб регистрларини тузиш, хатоларни тузатиш ва сақлаш тартиби”, 3-§ “Қатъий ҳисобда турувчи ҳисобот бланкаларини ҳисобга олиш, сақлаш, ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш”, 4-§ “Ҳужжат айланишини ташкил қилиш тартиби” деб номланади.

Низомнинг “Умумий қоидалари” қисми 1-бандида мазкур Низом мулк шаклидан ва идоравий бўйсуннишдан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг барча корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларига (банклардан ташқари) тегишлидир, - дейилган.

Низомнинг 6-7-бандлари бўйича дастлабки ҳужжатлар қоғозли ташувчиларда тузилади ва қуйидаги мажбурий реквизитларга эга бўлиши керак:

- а) корхонанинг номи;
- б) ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган жой ва сана;
- в) хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва сон ўлчови (натурал ва пул кўринишида);
- г) жавобгар шахсларнинг имзолари.

Дастлабки ҳужжатларда қўшимча реквизитлар ҳам келтирилиши мумкин: корхонанинг жойлашган манзили, ҳужжатда қайд этилган хўжалик операциясини содир этиш учун асос, ҳужжатлаштирилаётган хўжалик операциясининг туси билан белгиланадиган бошқа қўшимча реквизитлар.

Низомнинг 30-31-бандига кўра Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан белгиланган ҳолларда дастлабки ҳужжатлар

шаклларининг бланкалари қатъий ҳисобда турувчи ҳисобот бланкалари каторига киритилиши мумкин.

Қатъий ҳисобда турувчи ҳисобот бланкалари шакллари ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланади.

Ушбу Низомда ҳужжат айланишни ташкил қилиш тартиби тўғрисида қоидалар баён этилиб, 51-52- бандига мувофиқ корхонанинг бухгалтерия ҳисобида ҳужжатларнинг ҳаракатланиши (тузиш ёки бошқа корхоналардан олиш, ҳисобга олиш, ишлаш, архивга топшириш, ҳужжат айланиши) жадвалга асосан тартиблаштирилади. Бу жадвални тузиш корхона раҳбари ёки у белгиллаган шахслар томонидан ташкил қилинади ва ушбу жадвал корхона раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

Умуман олганда мазкур Низомнинг ишлаб чиқиши ҳужжатлаштиришни тартибга солишда, ҳужжатларнинг ҳуқуқий юридик асосга эга бўлиб, уларнинг ишончлилигини таъминлашда ва ҳужжатларни стандартлаштиришда муҳим меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Санаев.Н.С ва бошқалар “Иш билармон ва тадбиркорларга бухгалтерия ҳисоби, бизнес-режа, солиқ бўйича қўлланма” Самарқанд 2006 йил.

Мазкур қўлланмада муаллифлар ишлаб чиқариш бошқариш, хўжалик юритиш муҳим жиҳатларини акс эттирувчи, бошқарувчи ва мутахассисларга, ишбилармон ва тадбиркорларга энг сўнгги норматив ҳужжатлар асосида ўзбек тилида улардан фойдаланиш услубларини аниқ кўрсатиб берганлар. Бундан ташқари “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича ҳаражатлари таркиби тўғрисида” ги Низомнинг қўлланилиши аниқ ёритиб берилган.

Холбоев.Д. “Молиявий ҳисобот” Самарқанд 2005 йил.

Ушбу китобда молиявий ҳисоботнинг назарий ва услубий асослари, молиявий ҳисобот шакллари, улардан асосий кўрсаткичларнинг изоҳи ҳамда

ҳисобот шакллари тўлдириш тартиби, бухгалтерия ҳисобидаги сўнгги ўзгаришлар эътиборга олинган ҳолда берилган.

Қудратов Т.Қ. “Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг таҳлили” Самарқанд 2002 йил.

Ушбу маърузалар матнида қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликларида ер ресурслари асосий ишлаб чиқариш иқтисодий кўрсаткичларини иқтисодий таҳлил қилиш услубиятини баён етган. Бу масала ендигина иш бошлаётган фермер хўжаликлар учун жуда қимматли фикрлар эканлигини қайд қилиш лозим.

Қўлланмада ер ресурсларидан фойдаланиш, асосий ишлаб чиқариш фанлари, меҳнат ресурслари, ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш аҳволини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннарҳининг, маҳсулотлар реализациялари таҳлиллари аниқ ва тушунарли ёритиб берилган.

Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. «Бухгалтерия ҳисоби». Дарслик. «Шарқ» нашриёти. Тошкент 2004 йил.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ва унинг кейинги босқичларида устувор йўналишларнинг белгиланиши, айниқса ижтимоий-сиёсий ҳаётни, жумладан иқтисодиётни эркинлаштириш, мулкдорлар синфини ташкил қилишдан келиб чиққан ҳолда бир қанча соҳаларни, жумладан бухгалтерия ҳисоби тизимини ҳам ислоҳ қилишни тақозо этади. Шу жиҳатдан оладиган бўлсак, ушбу дарслик бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш борасида қўйилган бир қадамдир.

Дарслик 4-бўлим, 22-боб ҳамда 3 та иловадан иборат бўлиб, унинг 6-боби ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига бағишланган. Ушбу бобда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг мақсади ва вазифалари, харажатларнинг туркумланиши, ишлаб чиқариш харажатларининг дастлабки ва йиғма ҳисоби, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар, харажатларни ҳисобга олиш ва таннарҳни ҳисоблаш усуллари кэнг баён қилинган. Дарсликнинг яна бир эътиборни жалб қиладиган томони шундаки, унинг

илова қисмида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонун, «Янги счётлар режаси» ҳамда «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи тўлиқ ёритилганидир.

II БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА РЕСУРСЛАР САЛОҲИЯТИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНияТЛАРИ

2.1. Ер ресурслари ва улардан фойдаланиш

Самарқанд вилояти Жомбой тумани қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган туманлардан бири бўлиб ҳисобланади. У Самарқанд шаҳрининг шимолий-шарқ қисмида жойлашган. Туман шарқдан вилоятнинг Булунғур тумани, жанубдан Тайлоқ ва Ургут туманлари, шимол томонидан эса Пайарик тумани ва Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани билан, ғарбдан Самарқанд шаҳри ва Оқдарё туманлари билан чегарадош. Хўжалик 1974 йилда Булунғур тумани таркибидан ажратилиб ташкил этилган.

Туман ҳудудидан Тошкент-Самарқанд йўналишидаги автомагистрал, темир йўл кесиб ўтган. Қишлоқ хўжалик ерлари Зарафшон дарёсидан сув билан таъминланадиган Булунғур, Мирза, Пай каналлари орқали суғорилади.

2010 йилги мувофиқлаштиришдан сўнг 15 та ММТПга бирлашган 375 та фермер хўжаликлар фаолият кўрсатиб, улар асосан пахта-ғалла ва чорва маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган аграр сиёсат, фермер хўжаликларининг ерга, етиштирилган маҳсулотга эгаллигини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш жараёнида ер ва бошқа ресурслардан янада самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хажми ва сифатини ошириш, пировард натижа фермер хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий баркарорлигини таъминлашга қаратилмоқда. Чунки ер халқ хўжалигининг барча тармоқлари тизимида, шунингдек, қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасида ундан оқилона, самарали фойдаланиш зарурлиги қайд қилинган. Шунга кўра ҳар бир хўжалик субъектлари ерни асрашлари ва улардан самарали фойдаланишлари лозим.

Қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим рол ўйнайди. Қишлоқ хўжалигига

мўлжалланган ерлардан оқилона самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва мамлакат озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда аҳамияти каттадир.

Ўзбекистоннинг Ер фонди 44413,3 минг гектарни ташкил қилади. Бу майдоннинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган қисми 25365,6 минг гектардан ошиқроқни ташкил қилади. Шундан, қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган, яъни, суғориладиган майдонлар 4210,9 минг гектар бўлиб, бу умумий ер майдонинг 9,4 фоизини ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги хўжаликларга беркитилган ер ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги сифатида ҳам, қишлоқ хўжалигига ярокли ер ва унинг алоҳида турлари бўйича фойдаланишнинг самарадорлиги сифатида ҳам характерлайдиган кўрсаткичлар тизими оркали ифодаланиши мумкин. Ер ресурсларидар фойдаланиш кўрсаткичларнинг бир қисми турли хил ер ресурслари майдонлари ҳажмининг микдорий ўзгаришларини характерлайди ва маълум даражада улардан фойдаланишнинг экстенсив характерини акс эттиради, бошқа қисми ердан фойдаланишнинг интенсив даражасини характерлайди, яъни 1 гектар майдон ҳисобига тўғри келган у ёки бу ишлаб чиқариш самарасини акс эттиради.

Ер ресурсларидан экстенсив фойдаланиш кўрсаткичларга, ер ресурсларини қишлоқ хўжалиги оборотига жалб қилиш даражасини акс эттирувчи, ер ресурсларидан, қишлоқ хўжалигига ярокли ердан ва ҳайдаладиган ердан фойдаланиш коэффициентларини ўз ичига олади.

Ер ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти (*ЕРФК*) қишлоқ хўжалигига ярокли ерларни хўжаликка беркитилган жами ер майдонига нисбати билан ифодаланади.

$$ЕРФК = \frac{K / X.ЯЕ}{ЖЕМ}$$

Қишлоқ хўжалигига ярокли ерлардан фойдаланиш коэффициенти ($K/ХЯЕФК$) ._Ҳайдаладиган ерларни қишлоқ хўжалигига ярокли ерларга нисбати билан ифодаланади.

$$K / ХЯЕФК = \frac{ХЕ}{K / ХЯЕ}$$

Ҳайдаладиган ерлардан фойдаланиш коэффициенти ($ХЕФК$) жами экин майдонларини ҳайдаладиган ерларга нисбати билан ифодаланади.

$$ХЕФК = \frac{ЖЭМ}{ХЕ}$$

Қишлоқ хўжалигига ярокли ерлардан интенсив фойдаланиш самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари ер қайtimi ва ер сиғимидир. Ер қайtimi 1 га қишлоқ хўжалигига ярокли ерга тўғри келган соф маҳсулотни ифодаласа, ер сиғими, 1 сўмлик соф маҳсулот канча гектар ердан олинганлигини ифодалайди.

$$ЕК = \frac{СМ}{K / ХЯЕ}; \quad ЕС = \frac{K / ХЯЕ}{СМ}$$

Қишлоқ хўжалигига ярокли ерлардан интенсив фойдаланиш самарадорлигининг кўшимча кўрсаткичлари ана шу ерлардан олинган натура ва киймат шаклидаги ялпи ва товар маҳсулотлари ҳисобланади. Ер қайtimi ва ер сиғимининг натурал кўрсаткичлари алоҳида олинган хўжаликларда ёки бир хил табиий ва иқтисодий шароитларда жойлашган ва бир хил ихтисослашган хўжаликларда алоҳида маҳсулот турларини ишлаб чиқариш нуктаи назаридан қишлоқ хўжалигига ярокли ерлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда фойдаланилади.

Ҳукуматнинг қарорларига асосан Жомбой туманнинг барча экин майдонлари фермер хўжаликларига ижарага берилган. Ҳозирги пайтда туман фермер хўжаликлари балансида 22,7 минг гектар экин майдон бўлиб, шундан 12,1 минг гектарига ғалла, 7,7 минг гектарига пахта ва қолган қисмига бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мева-сабзавот, узумчилик экинлари экиб фойдаланилади (1-жадвал).

1-жадвал

Жомбой туман фермерларида ердан фойдаланиш динамикаси

т/ р	Экин турлари	Ер майдони, га						2011 й.
		2009 й		2010 й		2011 й		2009 й.га
		майдон и, га	салм оғи, %	майдо ни, га	салмоғи ,%	майдо ни, га	салмо ғи,%	нисбатан ўсиш даражаси , %
1.	Ғалла	12900	55	12140	53,3	12160	53,5	94,3
2.	Пахта	7750	33	7750	34,0	7 745	34,1	99,9
3.	Сабзавот	1552	6,61	1564	6,9	1397	6,1	90,0
4.	Картошка	201	0,86	25	0,1	144	0,6	71,6
5	Полиз	110	0,47	332	1,4	110	0,5	100,0
6.	Мева	823	3,51	823	3,6	1 050	4,6	127,6
7.	Узум	127	0,54	127	0,6	127	0,6	100,0
	Жами	23463	100	22761	100	22733	100,0	96,9

Манба: Самарқанд вилоят Қишлоқ ва сув хўжалик бошқармаси ҳисобатлари

Кейинги йилларда туман ҳудудида саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари қурилаётганлиги туфайли қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг майдони камайиб бормоқда.

2-жадвалда ўсимликчилик маҳсулотлари етиштириш ва улардан олинган даромадлар динамикаси келтирилган, ушбу жадвал маълумотларидан маълумки туманда кейинги 2009-2011 йилларда қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган асосий маҳсулотлар – пахта ва ғалланинг экин майдони деярли ўзгармаган ҳолда ҳосилдорлик кўтарилган, маҳсулот харид нархлари ошганлиги сабабли даромад ва рентабеллик ошган. Сабзавот, картошка, мева каби деҳқончилик маҳсулотларининг ҳосилдорлиги кўпайиб борган. Бизнинг фикримизча, Жомбой тумани Самарқанд шаҳарига яқин жойлашган, шунингдек иқлими ҳам пахта етиштиришдан кўра мева-сабзавот етиштиришга қулай. Шунинг учун, келгусида ушбу ҳудудда сабзавотчилик, мева ва картошка етиштиришга ихтисослаштириш режалаштирилмоқда.

**Жомбой туман фермер хўжаликларида ўсимликчилик маҳсулотларидан
олинган даромад ва иқтисодий самарадорлик динамикаси**

	Экин турлари		2009 й.	2010 й.	2011 й.	2011 й. 2009 й.га нисбатан ўсиш даражаси, %
1	Ғалла	Ҳосилдорлик, ц/га	51,9	52,9	51,8	99,8
		1 га.дан даромад, минг сўм	1141	1192	1866	163,5
		рентабеллик,%	14,3	16,6	35,5	248,3
2.	Пахта	Ҳосилдорлик, ц/га	22,5	22,6	25,9	115,1
		1 га.дан даромад, минг сўм	1144	1404	1 926	168,4
		рентабеллик,%	4,8	20,3	26,8	558,3
3	Сабзавот	Ҳосилдорлик, ц/га	259	291,6	199,6	77,1
		1 га.дан даромад, минг сўм	24056	4811	4490	18,7
		рентабеллик,%	28,5	31,0	37,0	129,8
4.	Картошка	Ҳосилдорлик, ц/га	294,9	290,8	258,2	87,6
		1 га.дан даромад, минг сўм	10468	10614	10845	103,6
		рентабеллик,%	26,7	30,3	37,7	141,2
5	Полиз	Ҳосилдорлик, ц/га	190	213	284	149,5
		1 га.дан даромад, минг сўм	3040	3619	7103	233,7
		рентабеллик,%	29,1	35	34	116,8
6.	Мева	Ҳосилдорлик, ц/га	109,1	148,5	157,8	144,6
		1 га.дан даромад, минг сўм	2836	3861	5525	194,8
		рентабеллик,%	25,6	25,6	39,7	155,1
7.	Узум	Ҳосилдорлик, ц/га	118,8	14,6	124,0	104,4
		1 га.дан даромад, минг сўм	3624	513	4958	136,8
		рентабеллик,%	29,9	34,1	39,7	132,8
Ўсимличилик рентабеллиги,%			15,7		33,6	

Манба: Самарқанд вилоят Қишлоқ ва сув хўжалик бошқармаси ҳисобатлари

Фермер хўжаликларида мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали,
оқилона фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига самарали

таъсир кўрсатади. Фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари кейинги бўлимда таҳлил қилинган.

3-жадвал

Ғалла ишлаб чиқаришда Самарқанд вилоятига нисбатан Жомбой туманинг салмоғи (2011 й.)

Т.Р.	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Самарқанд вилояти	Жомбой тумани	Вилоятга нисбатан туман кўрсаткичлар салмоғи, %
1	Экин майдони	минг га	107,0	12,1	11,8
2	Ҳосилдорлик	ц/га	53,6	51,8	96,6
3	Ялпи ҳосил	м. тон.	574,0	63,0	11,0
4	Рентабеллик	%	32,2	35,5	110,2
5	1 тон. баҳоси	м.сум	346	360	104,0
6	1 тон. таннари	м.сум	262	266	101,5

Манба: Самарқанд вилоят Қишлоқ ва сув хўжалик бошқармаси ҳисобатлари

3-жадвал маълумотларидан маълумки, Жомбой туман 12,1 минг гектар ерга ғалла эккан ёки бу вилоятда экиладиган ғалла майдонининг 11,8 фоизини ташкил этади. Ҳосилдорлик ҳам вилоят кўрсаткичидан паст. Аммо, рентабеллик 10,2 пунктга юқори, рентабелликнинг бундай юқори бўлишига сабаб ғалланинг сотиш баҳосининг ўртачадан юқорилигидир.

2.2. Меҳнат ресурслар ва улардан фойдаланиш

Меҳнат кишилиқ жамиятининг ривожланиш учун объектив зарурият ҳисобланади. Аммо, иш кучи, ўз-ўзидан бойлик ярата олмайди, у фақат ишлаб чиқариш асосий ва айланувдаги васиталар билан боғланган ҳолдагина жамият учун ҳар хил исътемом қийматига эга бўлган буюмларни ишлаб чиқариш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги меҳнат ресурсларининг микдорига, таркибига, малакасига ва улардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларига меҳнатга яроқли эркеклар -16 дан 60 ёшгача, аёллар -16 дан 54 ёшгача, шунингдек қишлоқ жойда яшовчи ўсмирлар ва нафақахўрлар киради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнат ресурслари таркибига

1. Доимий;
2. Мавсумий;
3. Вақтинчалик ишчилар, шунингдек, штатда турувчи;
4. Ўсмирлар;
5. Нафақахўрлар кирадилар.

Шу жумладан:

1. Доимий ишчиларга - муддатсиз ишга қабул қилинганлар;
2. Мавсумий ишчилар - 6 ойгача муддатга қабул қилинганлар;
3. Вақтинчалик ишчиларга - 2 ойгача муддатга қабул қилинганлар киритилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг иш кучи билан таъминланиши, меҳнат билан таъминланиш коэффиценти ва меҳнат билан таъминланиш салмоғи кўрсаткичлари билан характерланиши мумкин. Меҳнат билан таъминланиш коэффиценти (МБТК) мавжуд меҳнат ресурслари микдорини (ходим, киши/соат) унга бўлган меъёрни талабга (ММР) бўлиб топилади.

$$МБТК = \frac{ММРМ_k / c}{ММР}$$

Бунда,

МММРМ к/с - мавжуд меҳнат ресурслар микдори (к/с)

ММР - меъёрий меҳнат ресурслари

Меҳнат билан таъминланишнинг салмоғи кўрсаткичлари қуйидагилар:

- а) 1 - ходимга тўғри келган йиллик ишлаб чиқариш юқламасининг ҳажми (к/с)

$$ЙЮ = \frac{\text{йиллики / чюкламас}}{\text{ходимларсони}}$$

б) 100 га қишлоқ хўжалик ярокли ерга тўғри келган ходимлар сони:

$$K / X_{яе} = \frac{\text{ходимларсони}}{к / х.ярок.ер}$$

в) 1 ходимга тўғри келган қишлоқ хўжалигига ярокли ер, ҳайдаладиган ер ва қишлоқ хўжалик экинлари майдони:

$$\frac{КХЯЕ : ХЕЭМ}{ХС} = \frac{\text{қишлоқ хўжалиги ярокли ер; ҳай. ер экин майдони}}{\text{ходимлар сони}}$$

Қишлоқ хўжалигида иш кучининг миқдори ва ҳаракатини ҳисоблаш учун қуйидаги кўрсаткичлар системаси қўлланилади - ўртача рўйхатдаги ва ўртача йиллик ходимлар сони, иш кучининг айланиши ва кўнимсизлиги коэффиценти. Йилдаги ўртача рўйхатдан ўтган ходимлар сони ёки уларнинг умумий сонини, 1 йилдаги иш кунлар (285) сонига бўлиб топилади.

Иш кучини қабул қилишнинг айланиш коэффиценти қуйидагича топилади:

$$ИКККАК = \frac{\text{йил давомида қабул килинганлар сони}}{\text{ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига}}$$

Ишдан кетганларнинг айланиш коэффиценти қуйидагича топилади:

$$\text{Иш Кетганлар айл.коэф.} = \frac{\text{ишдан кетган ходимлар сони}}{\text{ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига}}$$

Иш кучининг кўнимсизлик коэффиценти қуйидагича топилади:

ўз хоҳишига кўра ва меҳнат интизомини

ИККун К = бузганлиги учун ишдан бўшатишган ходимлар сони
ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига

Жомбой тумани фермер хўжаликларининг меҳнат ресурслари билан таъминланиш 4-жадвалда кўрсатилиб ўтилган.

4-жадвал

Жомбой тумани фермер хўжаликларининг меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2010 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариш	
					Мик дорий, +/-	Нис бий, %
1.	Аҳоли сони	минг киши	185,3	191,1	5,8	103,1
	ш.ж.: хотин-қизлар	минг киши	96,5	97,6	1,1	101,1
2.	Фермер хўж. ишчилар сони	киши	6936	6475	-461	93,4
	ш.ж.: хотин-қизлар	киши	4226	4138	-88	97,9
3.	Бошқарув ходимлари	киши	895	863	-32	96,4
4.	Аҳоли таркибида фермерлар улуши	%	3,7	3,2	0,5 пунктга камайган	
5.	Ходимлар таркибида бошқарувчилар улуши	%	12,9	13,3	0,4 пунктга кўпайган	

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, туман ҳудудида яшовчи мавжуд аҳоли сони 2010 йил 2009 йилга нисбатан 5,8 минг кишига ёки 103,1 фоизга ошган, шу жумладан хотин қизлар 1,1 минг кишига ёки 101,1 фоизга ошган. Фермер хўжалик ходимлар сони 461 кишига ёки 6,6 фоизга камайган, хотин-қизлар 88 кишига ёки 2,1 фоизга камайган. Бошқарув ходимлари 32 кишига ёки 3,6 фоизга камайган. Аҳоли таркибидаги фермерлар улуши 0,5 пунктга камайган бўлса, ходимлар таркибидаги бошқарувчилар улуши 0,4 пунктга кўпайган. Қишлоқ хўжалигида иш кучидан фойдаланиш бир катор ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ишлаб

чиқариш шароитидан, фойдаланиладиган технологиядан, техника билан таъминланиш даражасидан, қишлоқ меҳнаткашлари учун деҳқон

хўжалигининг мавжудлиги ва фермер хўжаликлар сонини мувофиқлаштиришдан келиб чиқади.

2.3. Моддий ресурслар ва улардан самарали фойдаланиш.

Қишлоқ хўжалигида моддий ресурсларнинг ўсиб бориши, унинг таркиби, тузилишини яхшилаб бориш ҳамда улардан самарали, оқилона фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги уларнинг асосий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланганлиги даражасига боғлиқ. Асосий воситалар билан етарли даражада таъминланмаслик маҳсулот миқдори ва меҳнат унумдорлигининг секин ўсишига ҳамда маҳсулот таннарининг ошишига, такрор ишлаб чиқариш манбаларининг камайишига олиб келади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини асосий ишлаб чиқариш воситалар билан таъминланганлигининг абсолют кўрсаткичи сифатида фондлар билан таъминланиш коэффициентидан фойдаланиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш кўламининг ўсиши кўп жиҳатдан асосий ишлаб чиқариш воситалари (фондлари) билан таъминланиш даражасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ушбу бўлимда хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш тартиби баён қилинади.

Хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш кўрсаткичлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Фондлар билан таъминланиш коэффиценти (КФТ) – бу кўрсаткич асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қийматини (АИФ) қишлоқ хўжалик ерлари майдони (М) ҳажмига бўлиш орқали аниқланади.

$$КФТ = \frac{АИФ}{М}$$

Ушбу кўрсаткич 1 ёки 100 гектар ҳисобига тўғри келадиган асосий ишлаб чиқариш вситалари ҳажмини ифодалайди

2. Энергетик ресурслар билан таъминланиш коэффиценти (ЭТ) – хўжаликдаги мавжуд энергетик ресурслар қувватларининг (от кучи ҳисобидаги) (ЭК) жамини қишлоқ хўжалик ерлари майдонига нисбатан аниқланадиган кўрсаткич. Ушбу кўрсаткич 1 гектар ҳисобига тўғри келадиган энергетик ресурслар қувватини ифодалайди.

$$ЭТ = \frac{ЭК}{М}$$

3. Меҳнатнинг фондлар билан қуролланиш коэффиценти (МФК) – асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қийматини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сонига (Т) бўлиш орқали аниқланадиган кўрсаткич. Бу кўрсаткич 1 ходим ҳисобига тўғри келадиган асосий фондлар ҳажмини ифодалайди.

$$МФК = \frac{АИФ}{Т}$$

4. Меҳнатнинг энергетик ресурслар билан қуролланиш коэффиценти (МЭК) – энергетик ресурслар қувватларининг жамини (от кучи ҳисобида) ишловчи ходимларнинг ўртача йиллик сонига бўлиб, аниқланадиган кўрсаткич.

$$МЭК = \frac{ЭК}{Т}$$

Хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва энергетик ресурслар билан таъминланиш ҳамда меҳнатнинг асосий ишлаб чиқариш

фондлари ва энергетик ресурслари билан қуролланиш кўрсаткичлари ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар бўлиб ҳисобланади.

Хўжаликнинг асосий фондлар билан таъминланиш кўрсаткичларининг ўзгаришини таҳлил қилиш учун ҳисобот йилидаги барча кўрсаткичларининг ҳар бирини базис йилидаги уларнинг кўрсаткичлари билан солиштирилиб, ўзгариши (ошган ёки камайганлиги) аниқланади ва унинг сабаблари топилади. Уларнинг таҳлилини бир кўрсаткич мисолида, яъни хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш коэффицентининг таҳлили мисолида кўриб чиқамиз:

$$K\Phi T = \frac{AИФ}{M}$$

бунда, КФТ – хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш даражаси (коэффициенти);

АИФ – асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик ҳажми (қиймати);

М – қишлоқ хўжалик ерлари майдони (кўпинча таққослама кадастр майдон олинади).

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, хўжаликнинг фондлар билан таъминланиш даражасининг ўзгариши икки омил ҳисобига содир бўлади:

1. Қишлоқ хўжалик ерлари майдони ҳажмининг ўзгариши;
2. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик ҳажмининг ўзгариши.

Асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш даражаси ошган сайин ишлаб чиқариш ривожланиб, унинг ҳажми ошиб боради. Шунинг учун асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги даражасини ўрганиш асосида мавжуд имкониятларини аниқлаш катта аҳамиятга эгадир. Ушбу бўлимда асосий воситалардан (фондлардан)

фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари ва таҳлил қилиш йўллари ёритилди.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги куйидаги 3 та кўрсаткич билан ифодаланади:

1. Фонд қайтими (ФҚ) – бу ялпи маҳсулот ҳажмини (ЯМ) асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қийматига (АИФ) нисбати тариқасида аниқланади:

$$\Phi K = \frac{ЯМ}{АИФ}$$

Бу кўрсаткич 1 сўмлик асосий фондлар ҳажми ҳисобига етиштирилган ялпи маҳсулот ҳажмини (суммаси) билдиради. Ушбу кўрсаткич таҳлил этилаётган даврда ошган бўлса, асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигининг ошганлигини билдиради.

2. Фонд сиғими (ФС) – фонд қайтимини аксини ифодаловчи кўрсаткичдир:

$$\Phi C = \frac{АИФ}{ЯМ}$$

Бу кўрсаткич 1 сўмлик ялпи маҳсулот ҳажмига тўғри келадиган асосий ишлаб чиқариш фондлари суммасини билдиради. Ушбу кўрсаткич пасайган бўлса, бу фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошганлигини кўрсатади.

3. Фонд рентабеллиги (ФР) – соф фойдани (СФ) асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик ҳажмига (АИФ) бўлиш орқали аниқланадиган кўрсаткич:

$$\Phi P = \frac{СФ}{АИФ}$$

Бу кўрсаткич 1 сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига олинган соф фойда суммасини билдиради.

Жомбой туман фермер хўжаликларининг фондлар билан таъминланиш
ва меҳнатнинг фондлар билан қуролланиш даражаси ўзгариши*

№	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2010 йил 2009 йилга нисбатан ўзгариши	
				(+,-)	(%)
1.	Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати, млн. сум	2425,2	2581,2	156	106,4
2.	Қ/х ярокли ерлар майдони, га	31219	31425	206	100,7
3.	Ходимларнинг ўртача йиллик сони, киши	6936	6475	-461	93,4
4.	Ялпи маҳсулот қиймати, млн. сўм	36307,0	42066,3	5759,3	115,9
5.	1 га қ/х ярокли ерга тўғри келадиган АФ қиймати, минг сўм	77,6	82,1	4,5	105,8
6.	Ўртача 1 ходимга тўғри келадиган АФ қиймати, минг сўм	349,6	398,6	49	114,0
7.	Фонд сиғими, сўм	0,0667	0,0614	0,0053	92,1
8.	Фонд қайтими, сўм	14,9	16,3	1,4	109,4

*Самарқанд вилоят Жомбой туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими 2009-2010 йиллар маълумотлари.

5-жадвалда Жомбой туман фермер хўжаликларининг фондлар билан таъминланиш ва меҳнатнинг фондлар билан қуролланиш даражаси ўзгариши берилган. Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати 2009-2010 йиллар давомида 156 млн сўм ёки 106,4 %га кўпайган. Шунингдек, ялпи маҳсулот қиймати 115,9%, фонд қайтими 109,4 %га кўпайган. Бу таҳлилдан кўринадигани, фермер хўжаликларда техника миқдори ҳам ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам кўпайиб бормоқда.

Албатта, туман фермер хўжаликларида фонд сиғимининг камайиши бу ижобийдир. Чунки, минг сўмлик ялпи маҳсулот қийматига тўғри келадиган асосий фондлар қийматининг камайиши асосий воситалардан самарали фойдаланганлигини кўришимиз мумкин. Яъни 2010 йилни 2009 йилга нисбатан 5,3 сўмга камайган. Фонд қайтими 1,4 сўмга ошган, яъни фермер

хўжаликларда асосий фондлар ҳисобига ялпи маҳсулот қиймати яратишлари кўпайган.

Ш-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ИННОВАЦИОН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Бухгалтерия ҳисобига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

Мустақиллик йилларида бухгалтерия ҳисобининг ривожланишига назар ташлар эканмиз, унда услубий ва ташкилий жиҳатдан катта ўзгаришлар рўй берганлигини сезиш мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби янги тизимининг шаклланишига энг аввало мамлакатимизда дунёнинг бошқа мамлакатлари билан олиб бораётган ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки ушбу иқтисодий муносабатларнинг бевосита таъсири остида мамлакатимизда амал қилинаётган қонунлар ва корхоналарнинг молиявий фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқишга ва уларнинг аксариятини батамом янгидан яратишга тўғри келмоқда.

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобининг бозор муносабатлари талаблари асосида ислоҳ қилишнинг тўртта босқичда амалга оширилиши режалаштирилган:

1. Бухгалтерия ҳисобининг қонуний асосларини яратиш;
2. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун асосида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш;
3. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини қўллаш бўйича йўриқнома ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;
4. Юқоридаги қонуний ва меъёрий ҳужжатлар асосида корхоналарнинг иш ҳужжатларини, яъни корхоналарнинг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш.

Ушбу дастур асосида республикаимизда бухгалтерия ҳисобининг услубий ва ташкилий масалалари бўйича анча ишлар қилинди. Жумладан, «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида»ги Низом, «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича маҳсулот (иш, хизмат)

таннархига киритиладиган харажатлар таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиши тартиби тўғрисида»ги Низом, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари». № 1 сонли «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» № 2, № 3, № 4, № 5, каби қонуний ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинди.

Бу ҳужжатлар ичида Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришдаги роли бекиёсдир. Чунки ушбу қонуний ҳужжатда биринчи марта республикада бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий асосларини яратиш билан биргаликда корхона раҳбарлари ва мутахассисларга бухгалтерия ҳисобининг услубий ва ташкилий масалаларини ечишда етарли даражада ҳуқуқ ва имтиёзлар берилди. Ушбу ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш тартиби эса № 1 сонли «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» андозасининг 1-50-бандларида ёритиб берилган. Унда ҳар бир корхона мустақил равишда ўзининг бухгалтерия ҳисоби тизимини, яъни ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши ва эълон қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Бухгалтерия ҳисобини бундай тарзда йўлга қўйилишининг моҳияти шу билан характерланадики, унда давлат томонидан ўрнатилган бухгалтерия ҳисобини юритишнинг умумий қоидаларига асосланган ҳолда ҳар бир корхона ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятида кўзланган мақсадга еришиш учун бухгалтерия ҳисоби бажариши лозим бўлган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда ҳисоб тизимини ишлаб чиқади.

Корхоналарга бундай ҳуқуқ ва имтиёзларнинг берилиши мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига ўтишнинг ижобий натижаси, деб қараш мумкин. Чунки бухгалтерия ҳисоби халқаро андозаларининг биринчиси «Ҳисоб сиёсати» деб аталади.

Бугунги кунда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, Солиқ кодекси корхоналардан ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги томонидан

ишлаб чиқилган, бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаси кучга кирган бўлиб, мазкур андоза ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишни, шунингдек, уни рўёбга чиқаришнинг омиллари ва тартибини регламентга солади.

Айтиб ўтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда, ҳисоб сиёсати деганда, ҳўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қабул қилинган усулларнинг йиғмаси тушунилади, молиявий ҳисобот шу усулларга ва уларнинг қоидалари ва асосларига мувофиқ тузилади, деб таъриф берилади.

Иқтисодий адабиётда у қуйидагича талқин қилинади. Корхонанинг ҳисоб сиёсати-бу корхона томонидан умум қабул қилинган қоидалар ва ўз фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб эълон қилинадиган бухгалтерлик ҳисобини олиб боришнинг муайян услублари ва шаклларининг мажмуидир.

Корхонанинг ҳисоб сиёсати расмий ҳужжат саналади. У бош бухгалтер томонидан ишлаб чиқилади ҳамда бошлиқнинг буйруғи ёки фармойиши билан тасдиқланади.

Корхонада келаси йил учун «Ҳисоб сиёсати» йилнинг охирида тайёрланади. Демак, у корхонанинг навбатдаги йилда бухгалтерия ҳисобини олиб бориш бўйича ўзига хос режаси ҳисобланади.

Корхонанинг ҳисоб сиёсати йил мобайнида доимийлик тусида бўлиши керак. Объектив сабабларсиз уни ўзгартириш мумкин эмас. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга биноан, қуйидаги ҳоллардагина тасдиқланган ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритиш мумкин:

- корхона қайта ташкил этилганда, яъни, қўшилганда ёки ажралиб чиққанда;
- мулк эгалари ўзгарганда;
- давлат қонунлари ўзгарганда;
- ҳисобни олиб боришининг янги шакллари ва усуллари жорий этилганда.

Ҳисоб сиёсати киритилган барча ўзгартиришлар асосланган бўлиши ҳамда корхона раҳбарининг буйруғи ёки фармойиши билан тасдиқланиши керак.

Ҳисоб сиёсати расмий ҳужжат сифатида мажбурий тартибда қуйидаги органлар: юқори турувчи ташкилотга, солиқ инспекциясига, банкка, ижтимоий суғурта, статистика бошқармаси идораларига топширилади.

У сўров ва талаб бўйича прокуратура, суд ва арбитраж органларига, инвесторлар, акциядорлар, кредит берувчилар, аудиторлик фирмаси ва бошқа фойдаланувчиларга ҳам тақдим этилиши мумкин. Ҳисоб сиёсати корхона ходимлари учун очик бўлиши лозим.

Корхона ҳисоб сиёсатидан фойдаланувчи ҳар бир шахс ўз мақсадлари йўлида уни ўрганади ва фойдаланади. Масалан, солиқ инспекцияси ундан солиқлар бўйича тақдим этилган ҳисоб-китобларнинг ишончлилигини, корхонада уларни ҳисобга олиб боришнинг тўғрилигини назорат қилиш мақсадларида фойдаланади. Банклар учун эса, корхонанинг ҳисоб сиёсати нақдга ва нақдсиз ҳисоб-китоблар, касса операцияларини олиб бориш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш учун керак. Аудиторлик фирмаси ҳисоб сиёсати қандай тузилганлиги, шунингдек, корхона томонидан унга риоя этилиши даражаси ҳақида хулоса беради. Инвесторлар, акциядорлар, кредиторлар эса, ўз маблағларини сарфлаш, шартномалар, битимлар тузиш тўғрисида бир қарорга келишидан олдин корхона ҳисоб сиёсатини ўрганадилар.

Шундай қилиб, корхона ҳисоб сиёсати молиявий ҳисобнинг назарий, услубий, техник, ташкилий томонларини қамраб олади.

Назарий қисм молиявий ҳисобнинг асосий қоидалари, низомлари ва илмий қоидаларини ўз ичига олади.

Ҳисобнинг услубий томони мулк ва мажбуриятларни баҳолашнинг усуллари, мулкнинг турли кўринишлари бўйича амортизацияни ҳисоблаб ёзиш усуллари, фойда, даромадни ҳисоблаб чиқариши услублари ва ҳақларни назарда тутди.

Эндиликда ҳар қандай мулкчилик шаклидаги, ташкилий-ҳуқуқий тузилишдаги ва тармоққа тегишли корхоналар қуйидаги соҳалар бўйича ўз ҳисоб сиёсатини танлаб олишлари мумкин:

- асосий воситаларнинг амортизациясини ҳисоблаш;
- асосий воситаларни тузатишни ҳисобга олиш;
- материалларни сотиб олишни ҳисобга олиш;
- моддий айланма маблағларнинг ҳисобини ташкил қилиш ва баҳолаш;
- ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш;
- материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, жўнатилган товарларни баҳолаш;
- ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни ҳисобда акс эттириш;
- маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализациясини ҳисобга олиш;
- даргумон қарзлар бўйича ҳар хил захира (резерв) ларни яратиш;
- соф фойда ҳисобидан ҳар хил фондларни ҳосил қилиш ва бошқа масалалар бўйича.

Ҳисобнинг техник томони молиявий ҳисобни олиб боришнинг шакли (қўлланилажак бухгалтерлик регистрлари тизими) ни бухгалтерлик хизматининг ташкилий тадбирларини, унинг бошқарув тизимидаги ўрни бу тизимнинг бошқа элементлари ва бўғинлари билан ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири, бўлинмалар билан бозор иқтисодиётнинг юзага келиши ва шаклланиши учун хос бўлган ўзаро алоқаларни ўз ичига олади.

Ҳисоб сиёсатининг техник жиҳатини янада ойдинроқ ёритадиган бўлсак, унинг техник аспектига қуйидаги масалалар киритилади:

- марказлаштирилган счётлар режаси асосида ишчи счётлар режасини ишлаб чиқиш;
- бухгалтерия ҳисобининг шакллари танлаш;
- бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар айланиши;
- мулк ва мажбуриятни инвентаризация қилиш;
- ички ишлаб чиқариш ҳисоботи.

Ҳисоб сиёсатининг ташкилий аспектида бухгалтерия ҳисобининг ечилиши зарур бўлган масалалари қуйидагилардан иборат:

- бухгалтерия хизматининг ташкилий шакллари;
- бухгалтерия хизматининг таркиби ва ҳисобни марказлаштириш даражаси;
- корхона бўлинмаларини алоҳида балансга ўтказиш.

Юқорида учта гуруҳга кирувчи муаммоларнинг энг оптимал равишда ҳал қилиниши корхона ҳисоб сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайди. Чунки ҳисоб сиёсатининг дастлабки босқичи ёки унинг услубий аспектида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси, яъни у бажариши зарур бўлган ёки ҳал қилиб бериши лозим бўлган ҳисоб жараёнлари кўрсатилган бўлса, ҳисоб сиёсатининг иккинчи босқичида ушбу вазифаларни амалга ошириш учун зарур техник усуллар белгилаб берилади.

Иккинчи босқичда биринчи босқичда белгилаб берилган вазифаларни бажариш учун технологик жараён ишлаб чиқилади.

Учинчи босқичда, яъни ҳисоб сиёсатининг ташкилий аспектида ушбу технологик жараённи бажарувчи ижрочилар ва уларнинг хизмат вазифалари аниқ белгиланиши зарур.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга мувофиқ корхоналарда бухгалтерия ҳисобини қуйидаги шаклларда ташкил қилиш мумкин:

- мустақил бўлинма ҳисобланган бухгалтерияни ташкил қилиш;
- шартнома асосида ихтисослашган профессионал ташкилотга бухгалтерия ҳисобини юритишни топшириш;
- мутахассисларга шартнома асосида бухгалтерия ҳисобини юритишни топшириш.

Албатта, бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг биринчи шаклини йирик ва ўрта корхоналарда қўлланилиши табиийдир. Чунки бу корхоналарда бухгалтерия ҳисобида бажариладиган ҳисоб ишлари ҳажми анча катта ва мураккаб бўлиб, ихтисослашган ҳисоб бўлинмаси-бухгалтерияни билишини талаб қилади.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишни иккинчи ва учинчи шакллари кичик корхоналарда амалга оширилиши мумкин.

Корхона мустақил равишда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг у ёки бу шаклини топмайди. Ҳар қандай шароитда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва унинг аҳволи учун жавобгарлик корхона раҳбарининг зиммасига юклатилади. Чунки бухгалтерия ҳисобини юритиш учун зарур бўлган шароитлар ва унинг қонуний-норматив базасининг моддий жиҳатларини таъминлаш, мутахассислар ва бош бухгалтерни танлаш ва тайинлаш корхона раҳбарининг зиммасига юклатилади.

Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш учун бухгалтерия аппарати ва унинг таркибини оптимал белгилаш катта аҳамиятга эга.

Бухгалтерия аппарати ва унинг таркибини белгилашда корхонада ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳажми ва унинг таркиби бевосита таъсир кўрсатади. Чунки корхонада ишлаб чиқариш ҳажми катта бўлса, бухгалтерия ҳисоби ўзининг назорат қилиш ва маълумот бериш вазифасини бажариши учун бухгалтерия аппарати ва таркибини шунга мос равишда ташкил қилиши зарур.

Шунингдек, бухгалтерия аппарати ва таркибини ташкил қилишга корхонанинг молиявий ва инвестицион фаолияти ҳам маълум даражада таъсир кўрсатади.

Корхоналардаги шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бухгалтерия ҳисоби марказлаштирилган, марказлаштирилмаган ва аралаш шаклларида ташкил қилиниши мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби марказлаштирилган шаклда ташкил қилинганда бухгалтерия ягона бўлинма бўлиб, фаолият кўрсатади ва барча ҳисоб ишлари бухгалтерлар ўртасида тақсимланади. Бунда бухгалтерларнинг иш жараёнидан самарали фойдаланиш имконияти вужудга келади. Бухгалтерия ҳисоби марказлаштирилмаган шаклда ташкил қилинганда марказий бухгалтерия билан биргаликда ишлаб чиқариш бўлинмаларида ҳам

бухгалтерия ташкил қилинади. Бундай ҳолда ҳисобнинг оперативлиги ва таҳлилий маълумотлар бериш даражаси кескин ортади.

Бухгалтерия ҳисоби аралаш шаклда ташкил қилинганда марказий бухгалтериядан ташқари фақат корхонанинг йирик ишлаб чиқариш бўлинмаларида бухгалтерия ташкил қилинади.

Корхона ҳисоб сиёсатининг барча услубий, техник ва ташкилий томонлари ёритиб берилгандан сўнг у раҳбарнинг буйрағи ёки фармойиши билан расмийлаштирилади ва юридик кучга эга бўлади.

3.2. Фермер хўжалигида бухгалтерия ҳисобини соддалаштирилган шаклини ташкил этиш

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларини ташкил этишни ривожлантириш иктисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг негизини ташкил этади. Чунки фермер хўжаликлари қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш ва натижада бозор муносабатларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Бозор иктисодиёти шароитида барча тадбиркорлар, хусусан, фермерлар мустақил фаолият кўрсатиш ҳуқуқларига эга бўладилар. Бундан ташқари фермерларда ер ва бошқа мулкларга эгалик ҳисси ривожланади.

Албатта, ўз хусусий мулкига эга бўлган жамоа аъзоларида боқимандалик кайфияти йўқолиб, уларнинг мулкка эгалик ҳисси, меҳнатга муносабати тубдан ўзгаради ва натижада харажатларни камайтириш, арзон, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилади.

Дарҳақиқат, Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек «Дехқон тўқ бўлса, бутун республика ҳам бадавлат бўлади».

Олий Мажлиснинг сессиясида қабул қилинган «Фермер хўжаликлари тўғрисидаги» қонунга мувофиқ «Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг

биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектидир» (1-модда).

Фермер хўжаликлари қонун йули билан мустақил хўжалик юритувчи субъект ва юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиб, хўжалик юритишининг янги ҳолатларини ишлаб чиқаришга жорий қилишлари ҳар томонлама зарурий ҳолатга айланди. Фермер хўжаликлари ихтиёридаги ер, мулк, асосий ва айланма маблағлардан оқилона ва унумли фойдаланиш бозор қонунларининг асосини ташкил қилади.

Шунинг учун ҳам фермер хўжаликлари молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиши ва юритиши муҳим аҳамиятга эга.

Фермер хўжалигининг хўжалик-молиявий фаолиятини ташкил этувчи қуйидаги жараёнлар ҳисоб объектлари бўлиб ҳисобланади:

асосий воситалар (сотиб олиш, ижарага олиш, лизингга олиш ва ҳ.к.);

моддий қийматликлар (ем-хашак, дори-дармонлар, инвентарлар ва ҳ.к.);

ишлаб чиқариш жараёни;

тайёр маҳсулотларни сотиш ва шунга доир ҳисоб-китоблар;

банк, молия, солиқ органлари ва бошқалар билан ҳисоб-китоб муомалалари.

Қўпчилик фермер хўжаликларининг раҳбарлари ҳисоб юритиш бўйича махсус билимга эга эмасликлари сабабли четдан бухгалтер ёллайдилар. Бу эса, биринчидан фермер хўжалиги учун ошиқча харажат қилишга, иккинчидан, ҳисоб ишларининг маълум бир тизимга келтирмасдан, турлича шаклда юритишга олиб келади. Шунинг учун ҳам республикада фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишга турлича ёндашувлар мавжуд.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга бундай хилма-хил ёндашувлар натижасида ҳисоб технологиясида маълум ижобий тажрибалар тўпланади. Лекин, ушбу тажрибаларда, афсуски, ҳисоб

жараёнининг техникаси унинг услубиётидан анча олдинлаб кетиб, ҳисобнинг мураккаблашувига, чалкашувига ва айрим ҳолларда эса ислохотларни чуқурлаштиришга тўсиқлик қилишига олиб келмоқда. Шунга кўра фермер хўжаликларида ҳисобни тўғри йўлга қўйиш мақсадида бухгалтерия ҳисобини, уларнинг ихтисосланганлиги, ходимлар сони, мол ва паррандаларининг бош сони, асосий воситалари ва айланма маблағлари ҳамда фермер хўжалигининг бошқа ўзига хос хусусиятларидаи келиб чиккан ҳолда ташкил этиш зарур.

Ушбу хусусиятларга мувофиқ фермер хўжаликклари учун бухгалтерия ҳисоби тизимини соддалаштирилган шакли буйича ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Бу ҳисоб тизимини, бизнинг фикримизча, қуйидаги муҳим шарт-шароитларни бажарган ҳолда амалга ошириш мумкин:

ҳисоб регистрларининг оддий, тушунарли ва бир хилда тузиш ва тўлдириш;

ҳисоб объектларини тўлиқ акс эттириш;

ҳисоб регистрларини комплекташда бир хилликка эришиш;

фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш-молия фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тузиш.

Барча корхоналар ўз фаолиятлари натижаларининг бухгалтерия ҳисобини «Ўзбекистон Республикасида корхоналар ҳақидаги қонун»га мувофиқ амалга оширадилар.

Кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳақидаги низом» ва «Корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счётлар рсжаси»да белгиланган ягона услубий асослар ва тадбирларга мувофиқ ташкил этилади. Бунда бухгалтерия ҳисоби олдига қуйдаги вазифалар қўйилади:

—мулкларининг сақланиши ва харажати ҳамда тасдиқланган меъёр ва режаларга асосланган ҳолда моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаш;

—корхонадаги хўжалик жараёнлари ва фаолияти натижалари ҳақида бошқариш учун таъсисчилар, инвесторлар, харидорлар, кредиторлар, банк ва солиқ органлари фойдаланишлари зарур бўлган тўла ва аниқ ахборотлар тайёрлаш.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш хўжалик раҳбари зиммасига юклатилади. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби мустақил ҳисоб бўлими томонидан амалга оширилиб, уни бош бухгалтер бошқаради. Агар фермер хўжалигида ҳисоб бўлими ёки бухгалтер бўлмаса, бухгалтерия ҳисобини махсус ташкилот ёки мутахассислар шартнома асосида юритишлари мумкин.

Фермер хўжаликларида барча хўжалик муомалаларини ҳужжатлаштириш бухгалтерия ҳисобининг бошланғич босқичи бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун тасдиқланган тармоқлараро ва тармоқ ҳужжатларининг шакллари қўлланилиши мумкин.

Бу ҳужжат шаклларида қуйидаги зарур регистрлар бўлиши шарт; ҳужжат номи, рақами ва тузилган санаси; хўжалик муомаласининг мазмуни; хўжалик муомаласининг ўлчови (миқдор ва қиймат ўлчовларида); хўжалик муомаласи содир бўлиши ва уларни тўғри расмийлаштиришга масъул шахслар номи ва имзолар.

Бухгалтер ходимлар хўжалик муомалаларини расмийлаштиришда бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг айланиш тартибига риоя қилишлари керак.

Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлардаги маълумотлар ҳисоб регистрларида қайд этилиб, умумлаштирилиши ва тизим қилиниши ҳамда уларга асосан бухгалтерия ҳисоботлари тузилиши керак.

Хўжалик муаммолари кам бўладиган фермер хўжаликларида ҳисобнинг соддалаштирилган шаклини қўллашнинг тавсия этилиши.

Бунинг учун амалдаги счётлар режаси асосида қисқартирилган (ишчи) счётлар режаси тузиш керак. Бу счётлар режаси хўжалик маблағлари ва уларнинг манбаларини бухгалтерлик ҳисоб регистрларида асосий счётлар

бўйича олиб боришни таъминлайди ва шу асосда бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг аниқлиги устидан назорат қилинади. Қисқартирилган (ишчи) счётлар режасидаги айрим счётлар, ўз вазифалари билан бирга бу режага киритилмаган счётларнинг функцияларини ҳам бажариши назарда тутилган.

Қисқартирилган (ишчи) счётлар режасида таклиф қилинган счётлар гуруҳи фермер хўжалигининг молиявий ҳолати тўғрисидаги бухгалтерия балансини тузиш қоидаларига мувофиқ, унинг маблағлари ва маблағлар манбаларининг миқдоридан келиб чиқиб ҳамда хўжалик фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб тузилади.

Фермер хўжаликлари мулкчилик шакллари ва қайси тармоққа тегишлигига қараб бир-бирларидан фарқ қиладилар. Айрим фермер хўжаликлари ўзининг ишчи счётлар режасини ишлаб чиқишда ишлаб чиқариш харажатлари, олинган маҳсулотлар, таннархни ҳисоблаш, даромадлар ва маҳсулот сотиш (иш, хизмат)нинг молиявий натижасида ҳисобга олишда ўз фаолиятининг муайян шарт-шароитларидан келиб чиқишлари керак.

Фермер хўжалиги ўз фаолиятини ҳисобга олиш учун ишчи счётлар режасини қабул қилгани (тасдиқлангани)дан сўнг соддалаштирилган ҳисоб тизими тавсияларида таклиф этилган бухгалтерия ҳисоби шаклларидан ўзига мосини танлайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, асосан битта йўналишда ихтисослаштирилган ва хўжалик муомалалари кам миқдорда содир бўладиган ҳамда ишлаб чиқариш (иш, хизмат) жараёнида материал ва бошқа ресурсларни кам сарфлайдиган фермер хўжаликлари учун бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шаклини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Унинг моҳияти шундан иборатки, содир бўлган хўжалик муомалаларининг ҳисоби асосан «Хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш дафтари» шаклида рўйхатга олиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу дафтар уйғунлаштирилган ҳисоб регистри бўлиб, у фермер хўжалигида

қўлланиладиган барча бухгалтерия счётларини ўз ичига олади ва уларнинг ҳар бири бўйича содир бўлган хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш имконига эга. Шу билан бирга у баланснинг тегишли моддалари мазмунини асослаш учун ҳам етарли даражада батафсил тузилган. Фермер хўжалиги бухгалтерии бу дафтарни ведомость кўринишида бир ойга очиши (зарур бўлганда муомалаларни ҳисобга олиш бўйича счётлар очиш учун қўшимча варақалар киритиб) ёки муомалаларни йил давомида ҳисобга оладиган қилиб дафтар шаклида юритиш ҳам мумкин.

Йил давомида юритиладиган дафтар тикилган ва бетлари рақамланган бўлиши керак. Унинг охириги бетиде варақлар сони рақам ва сўз билан ёзилиб фермер хўжалигининг раҳбари ва бош бухгалтер имзоси билан тасдиқланади ҳамда муҳр босилади.

Фермер хўжалигида ҳисобни соддалаштириш ўз ҳисобини юритиш асосида ҳисоб жараёнининг кам харажатлигини таъминлайди яъни ҳисобни фермер хўжалиги бошлиғи ёки хўжалик аъзоларидан ҳисоб юритишни билладиган бирортаси олиб боради. Натижада хўжалик жараёнларини ва молиявий ресурсларни бирдам бошқаришга, шунингдек, ҳисоб юритиш учун қилинадиган сарфларни тежашга эришилади.

Ҳисоб регистрларини комплекташда бир хилликка эришиш учун уларни дафтар кўринишида тикиш зарур. Дафтарлар ҳажми бир йил давомида фойдаланиш учун мўлжалланиши мақсадга мувофиқ. Бундай ихчамлик ҳисоб регистрларини тўлдириш, ҳисобот тузиш ва зарур маълумотларни излаб топишга қулайлик яратади.

Фермер хўжаликларидаги ҳисоб тизими ҳам халқ хўжалигидаги бухгалтерия ҳисоби тизимидаги каби ҳисоб услубиёти (методи), ҳисоб ёзувлари технологияси ва ҳисоб ишларининг ташкил этишининг ягоналигига асосланган бўлиши лозим.

Ҳисоб услубиёти — бу ҳисобни амалга оширишда қўлланиладиган усулларнинг илмий асосланган тизимидир. Бу тизим қўйидаги

элементлардан иборат: ҳужжатлаштириш, инвентаризация, баҳолаш, калькуляция, счётлар тизими, икки ёқлама ёзув, ҳисобот.

Ҳисоб услубиётининг ушбу усулларини фермер хўжаликларага тадбиқ қилиш ва натижаларини таҳлил қилиш уларнинг аҳамияти тубдан ўзгарганлиги ҳақида хулоса қилишга олиб келади. Масалан, кичик фермер хўжаликларида кўп тармоқли, ҳажми нисбатан катта фермер хўжаликларида қўлланиладиган счётлар тизими ва икки ёқлама ёзув каби усуллардан фойдаланиш шарт эмас.

Бошланғич ҳужжатлар туркумланишига кўра ички ва ташқи ҳужжатларга бўлинади. Фермер хўжаликлари учун ички хўжалик ҳужжатлари — бу энг аввало, ишлаб чиқариш жараёнини (ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотларни) расмийлаштирадиган ҳужжатлардир. Йирик қишлоқ хўжалик корхоналарида икки юздан кўпроқ хилма-хил дастлабки ҳужжатлар ишлатилади. Фермер хўжаликларида соддалаштирилган ҳисоб тизими шароитида эса бундай дастлабки ҳужжатларга эҳтиёж қолмайди.

Ташқи муносабатлар учун қўлланиладиган ҳужжатлар: киривчи (таъминот жараёни), чиқувчи (сотиш жараёни) ва банк ҳужжатлари, бизннинг фикримизча йирик қишлоқ хўжалик корхоналари амалиётидаги каби бўлгани маъқул.

Бухгалтерия ҳисоби услубининг элементларидан бири ҳисобланган инвентаризация фермер хўжаликларида ўз аҳамиятини йўқотади. Чунки маблағларнинг сақланиши ва ҳисоб-китобларнинг ишончлигини фермер хўжалиги бошлиғи ва аъзоларининг кундалик назорати орқали таъминланади.

Юқорида таъкидланганидек, хўжаликларнинг ихтисосланганлиги ва ишлаб чиқаришнинг ташкилий шакллари ҳисоб тизимига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ҳисобни ҳар бир фермер хўжалигининг шароитини ўрганиб, содда ва тушунарли қилиб йўлга қўйиш зарур. Масалан, битта оиладан иборат фермер хўжаликларида у ёки бу шаклдаги ички

хўжалик аҳамиятга эга булган дастлабки ҳужжатларни тулғизиш шарт эмас. Бунда асосий ҳисоб регистри “Хўжалик муомалаларни ҳисобга олиш дафтари” (К-1 шакл) қўлланилади. Бунга қўшимча фермер хўжалигининг мулкларини (уларнинг турлари бўйича гуруҳлаган ҳолда) оддий “кирим-чиқим” принципи асосида ҳисобга олинадиган дафтарлардан фойдаланилади. Ҳисоб-китоб муомалалари (мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан; суғурта, бюджет ва бюджетдан ташқари ташкилотлар билан; турли дебиторлар ва кредиторлар ҳамда меҳнат ҳақи бўйича хўжалик аъзолари билан ҳисоб-китоблар) учун алоҳида ведомость юритилади. Банк билан бўладиган муомалалар эса банк қоидаларига мувофиқ қуйидаги пул ва ҳисоб-китоб ҳужжатларига асосан расмийлаштирилади: тўлов топшириғи, тўлов талабнома-топширик, акцептни рад этиш ҳақида ариза, нақд пул топшириш учун билдиришнома, нақд пул олиш учун чек дафтарчаси.

Баён қилнганларни умумлаштириш асосида кичик фермер хўжаликларида ҳисобнинг оддий усули соддалаштирилган шакли бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш мумкин.

Фермер хўжалиги давлат рўйхатидан ўтиб, банкда счёти очиб; солиқ, суғурта, нафақа фонди, бандлик хизмати ва бошқа тегишли давлат органлари ва нодавлат ташкилотларидан рўйхатдан ўтганидан сўнг фаолият бошлайди. Бунда аввало мавжуд маблағлари ва маблағлар манбаларини умумлаштириб дастлабки баланс тузилади.

3.3.Молиявий ҳисоб ва ҳисобот бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартлар даражасига чиқариш асосидир

Бугунги кунда иқтисодиётимизга бозор элементлари ва халқаро тажрибаларнинг тадбиқ этилиб бориши барча хўжалик механизмини такомиллаштиришни ва уни ахборот таъминотининг асоси бўлган молиявий ҳисоб ва таҳлил соҳасида туб ислоҳотларни ўтказиш зарурияти юзага келди.

Маълумки, яқин йилларгача ҳисоб тизими фақатгина хўжалик муомалаларини қайд қилиш ва ҳисоб ҳужжатларини сақлаш воситаси

бўлибгина хизмат қиларди. Бу, албатта, маъмурий-буйруқбозлик даврига хос бўлган элементлардан бири еди.

Бозор муносабатларига ўтиш эса бухгалтерия ҳисобининг ҳақиқий вазибаларининг нақадар серқирра эканлигини янада кенгроқ очиб берди. Биринчидан, бухгалтерия ҳисоби хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқаришнинг ажралмас бўлагига айланди. Иккинчидан, турли хил фойдаланувчиларни бухгалтерия ахборотлари билан таъминлаш марказий масалалардан бирига айланди. Ва, ниҳоят, замонавий бухгалтер фақатгина ҳисоб ишларини юритибгина қолмай, балки бухгалтерия маълумотларини таҳлил қилиш, корхона иқтисодий ҳолатини тавсифловчи турли хил коэффициентларни ҳисоблаш, хўжалик жараёнларига баҳо бериш, корхона истиқболини белгилай олиши керак. Бундан ташқари малакали замонавий бухгалтер аудиторлик фаолияти билан шуғуллана олиши керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг иқтисодий ҳамда молиявий салоҳияти ва ҳолати тўғрисидаги маълумотлар етакчи бўлиб, фойдаланувчиларнинг турли тоифалари: таъсисчи, акциядор, кредитор, инвестор, мол етказиб берувчилар ва бошқалар манфаатларини қамраб олади. Бунда фойдаланувчиларнинг ҳар бир тоифаси корхона молиявий ҳолатини баҳолашда ўз манфаатларидан келиб чиқади ва ўз мезонларига амал қилади.

Бугунги кунда таҳлилнинг асоси бўлган молиявий ҳисоб корхоналар фаолиятини бошқаришда зарур бўлган керакли маълумотларни етказиб бериш, тўғри ва мукамал бошқарув қарорларини қабул қилишда асосий манба бўлиб ҳисобланади, яъни корхонада бухгалтерия ҳисобининг тўғри йўлга қўйилиши, айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини оширишга, юқори самарали фаолият кўрсатишга, турли рақобатчилар майдонида енгиб чиқиб, юқори фойда олишга имконият яратади.

Маълумки, молиявий ҳисобни ривожлантириш, ислоҳ қилиш бевосита бозор муносабатларига ўтиш билан узвий боғлиқдир. Бу эса

республикамизда молиявий ҳисобни халқаро андозалар талаблари асосида такомиллаштиришни зарурият қилиб қўймоқда, айниқса, республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, турли халқаро ташкилотларда қатнашиши иқтисодий кўрсаткичларни жорий мезонларга таққослашда ҳисобнинг услубий тамойилларини жаҳон амалиётида қабул қилинган андозалар талабларига жавоб беришни талаб этади.

Республикамизда молиявий ҳисобни тартибга солиш учун мустаҳкам қонунчилик тизими ташкил этилди: жумладан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун (1996 йил, 30 август), «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» (1999 йил, 5 феврал), «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» (1998-2003 йил) ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Натижада қатор иқтисодий муаммолар ҳал этилди.

Молиявий ҳисобни ташкил этишнинг услуби ва услубиётини такомиллаштиришдан мақсад миллий ва хорижий мутахассисларни ҳисоб сиёсати ва ҳисобот ахборотларини тушунишларидаги фарқни бартараф қилиш, молиявий ҳисобни меъёрий тартибга солувчи миллий тизимини яратиш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ягона концепциясини яратиш ва уларни иқтисодиётимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш заруриятидан иборатдир.

Бу мақсадга еришиш учун бухгалтерия ҳисобининг асоси ҳисобланган молиявий ҳисобни такомиллаштириш, ҳисобни амалга оширишда янги прогрессив усулларни қўллаш, хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ёрдамида фойдаланилмаётган резервларни қидириб топиш ва уларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш шу куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришда, энг аввало, ривожланган мамлакатлардаги бухгалтерия ҳисоби тизимидан кенг фойдаланиш лозим. Мамлакатимизда амал қилиб келаётган бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро андозалар ва меъёрлар талаблари даражасида ташкил этиш давр

талаби ҳисобланади. Хорижий давлатлар амалиётидан маълумки, ривожланган давлатларда бухгалтерия ҳисобининг 3 тури амал қилади:

- бошқарав ҳисоби;
- молиявий ҳисоб;
- солиқ ҳисоби.

Бошқарув ҳисоби ўзида шундай ҳисоб маълумотларини жамлайдики, бу маълумотлар фақат корхонанинг ўзида бошқарув учун зарурдир. Бошқарув ҳисоби ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва таннархни калькуляция қилиш билан бирга, у мавжуд ҳолатни таҳлил этиш, қарор қабул қилиш, компьютерлар ва технологик дастурлардан фойдаланиш, ресурслардан фойдаланиш ва таннархнинг шаклланишини бошқариш, харажатларнинг меъёрдан четга чиқишини таҳлил этиш ва бошқаларни қамраб олади. Бошқарув ҳисоби маълумотларида маълумотларни тез олиш, ўқиш ва улардан фойдаланиб, оператив бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти бўлиши керак.

Молиявий ҳисоб шундай маълумотларни ўзида мужассам этадики, ушбу маълумотлар нафақат корхона фаолиятига раҳбарлик қилишда фойдаланилади, балки ташқи фойдаланувчиларга ҳам тегишли маълумотлар тақдим қилинади. Молиявий ҳисоб ахборотларни умумлаштириш ва синтез қилишга йўналтирилган. У баъзи бир давр учун корхона фойдасини тезкор аниқлашга, корхонанинг активлари ва пасивларини ҳисобот баланси шаклида умумлаштиришга, корхонанинг мулкӣ ва молиявий ҳолатини таърифлашга имкон беради.

Солиқ ҳисоби корхона, ташкилот ва муассасаларда солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида ва тўғри ҳисобга олиш, солиқ имтиёзларини қўллаш ҳамда уларни ўз вақтида бюджетга ўтказилиб борилишини таъминлаб берувчи бухгалтерия ҳисоби туридир. Солиқ ҳисоби ўз усуллари ёрдамида солиқ ва йиғимлар, уларнинг объекти, субъектлари ва солиққа тортиш базасини, тўлаш муддатларини аниқлаб беради.

Молиявий ҳисоб ёрдамида мавжуд моддий қийматликлар, пул маблағларининг ҳаракати кузатилади ва назорат қилинади, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ харажатлар аниқланади, хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари ва корхонанинг умумий мулки ҳақидаги маълумотлар топилади.

Молиявий ҳисоб ҳар қандай тизимда ҳам қуйидаги учта функцияни бажаради: 1) ахборот бериш; 2) назорат қилиш; 3) бошқарув ечимларини ишлаб чиқиш. Бу функцияларни бажаришда молиявий ҳисоб ҳар хил усуллардан фойдаланиши мумкин. Шунингдек, молия ҳисоби ҳар хил ижтимоий тизимларда муайян тизимнинг мақсадига қараб ҳар хил вазифаларни бажариши мумкин.

Молиявий ҳисобнинг асосий вазифаларини тушуниб олиш учун унинг объектларини билиб олиш лозим бўлади. Ушбу объектлар қуйидаги 4 та гуруҳдан ташкил топган:

1. Корхона маблағ (ресурс)лари: меҳнат воситалари, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари, тайёр маҳсулот, устав фонди (капитали), бошқа ҳар хил фондлар, келгусидаги харажатлар ва тўловлар резерви, корхоналар фойдаси ҳисобидан ташкил қилинган ҳар хил захира ва ҳақозолар. Бу маблағлар корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни учун тегишли шароит яратиб беради.

2. Корхоналарда содир бўлаётган муҳим жараёнлар: товар -моддий бойликларни тайёрлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар реализацияси, капитал қурилиш ва бошқа жараёнлар.

3. Ҳисоблашиш муомалалари: бюджет, мол етказиб беравчи ва пудратчилар, харидорлар, ишчи ва хизматчилар, давлат банки ва бошқа банклар ҳамда бошқа ташкилот ва шахслар билан ҳисоблашишлар.

4. Корхона хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари: жамоанинг даромади, фойда ва зарарлари.

Ушбу объектларни ўрганиш ва назорат қилиш жараёнида унинг вазифалари юзага келади.

Ҳозирги давр талабидан келиб чиққан ҳолда молиявий ҳисоб олдига қўйилган талаблар асосан қуйидагилардан иборат:

- қатъий бир хиллик (унификацияланганлик);
- ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилишини акс эттирадиган кўрсаткичларга асосланиши;
- солиқ солиш базасини ва бюджетга бошқа ажратмаларни тўғри ҳисоблаш.

Жамиятда молиявий ҳисоб маълумотларидан жуда кенг миқёсда фойдаланилади. Ушбу фойдаланувчилар ўз навбатида учта гуруҳга бўлинади:

- корхона бошқарувчилари;
- молиявий манфаатдор шахслар;
- молиявий манфаатдор бўлмаган шахслар.

Демак, 1-гуруҳ ички фойдаланувчига ва 2, 3-гуруҳлар ташқи фойдаланувчига бўлинади. Ташқи фойдаланувчиларни асосан қуйидаги кўрсаткичлар қизиқтиради:

1. Корхона активлари ва пасивларининг тузилиши;
2. Корхонанинг ликвидлиги;
3. Ўзининг ва жалб қилинган капиталнинг ҳиссаси;
4. Активларнинг айланиш тезлиги;
5. Барча активлар ва реализация қилинган маҳсулотнинг рентабеллиги;
6. Корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда;
7. Тўланган дивидендларнинг ҳиссаси (агар акционерлик компанияси бўлса).

Чунки ахборотдан фойдаланувчилар ўз манфаатини кўзлаган ҳолда у ёки бу ахборот манбаларидан фойдаланадилар. Масалан, солиқ органлари солиққа тортиш учун молиявий ҳисобот, декларация ва текширув маълумотларидан фойдаланадилар, харидор маҳсулот нархининг асосланиш даражасини молиявий ҳисоботдан оладилар ва ҳоказо.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабатлари тизимидаги ўзгаришлар, шунингдек ҳуқуқий доирасининг кенгайиши бухгалтерия ҳисобида адекват (бир хиллик) трансформациялаш тамойилларнинг заруриятини юзага чиқармоқда.

Молиявий ҳисоб концепциялари ва унинг асосида ишлаб чиқарилаётган конун-қоидалар асосида хўжалик субъектларида молиявий ҳисобнинг юритилишини бозор инфраструктурасига мос элементларини яратиш зарурлиги сезилмоқда.

Бу борада Ўзбекистонда ҳисоб тизимини бозор иқтисодиётига мос тарзда ташкил этиш вазифалари олдимизга қўйилади. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

- бухгалтерия ҳисоби бўйича амал қилинаётган норматив актларни ишлаб чиқариш ва қайта кўриб чиқиш;
- ҳисобнинг турли норматив актларида бир хилликни таъминлаш. Уларни бир-бирини инкор этишига ва жараёнларни тўла қамраб олганлигига аҳамият бериш;
- бухгалтерлик ахборотини истеъмол қилувчиларга тўлиқ, сифатли ва даврий етказиб бериш ва уни ўқиш юзасидан ягона тилга ўтказиш.

Концепция - турли хил тармоққа тегишли хўжаликлар, турли фаолият кўринишлари, ташкилий-ҳуқуқий шаклларда бухгалтерия ҳисобини олиб борувчи ва ташкил этувчи асосларни характерлайди.

Концепциялар биргаликда ҳам, алоҳида-алоҳида ҳолатда ҳам бухгалтерия ҳисобининг мақсадларига қарши бўлмаслиги лозим.

Молия ҳисоби ва молия ҳисоботи концепцияси молия ҳисоби ва ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ, муайян қоидалар ва стандартлар риоя қилинган ҳолда ташкил этилади.

Молия ҳисоби қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

- мавжуд ва потенциал сармоядорлар ва кредиторларнинг тушуниши учун қулай ва холис ахборотни тақдим этиш;
- мавжуд ва потенциал сармоядорлар ва кредиторларга кутилажак даромадлар билан боғлиқ суммалар, вақт ва таваккалчиликлар ҳақида фикр юритишга ёрдам берадиган ахборотни тақдим этиш;

- корхонанинг хўжалик ресурслари, унинг мажбуриятлари, мулк таркиби ва унинг ҳосил бўлиш манбалари, шунингдек, уларнинг ўзгаришлари ҳақидаги ахборотни тақдим этиш.

Молия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тузиш пул ифодасида амалга оширилади.

Тизимли молия ҳисобида тўпланган ва ишланган ахборотдан корхона ташқарисидаги фойдаланувчиларига тақдим этишнинг асосий услуби бўлиб умумий белгиланган ташқи ҳисоботи ҳисобланади.

Молиявий ахборот қуйидаги талабларни қондириши керак: тизимли (бухгалтерлик) ҳисобида шаклланиши, аниқ-пухта, холис аҳамиятли бўлиши керак, бу, ундан қабул қилинаётган қарор натижасида таъсир қилиш учун фойдаланишга имкон беради. Истиқбол жиҳатдан кадрли, акс алоқага асосланиши ўз вақтида бўлиш, бошқаришга оид ёки бошқа қарорларни қабул қиладиган ёки тайёрлайдиган шахсларга тушунарли бўлиши керак. Синтетик ва таҳлилий рақамларнинг олиб борилишини назарда тутадиган бухгалтерлик ахбороти ҳосил бўлиши тўғрилигини текшириш ва тасдиқлаш имконини беради.

Молия ҳисоботларида келтириладиган бухгалтерлик ахбороти қуйидаги талабларни қондириши керак: келтирилаётган маълумотларини таққослай олишлик: доимий бўлиши, яъни танланган даврда қабул қилинган методология ва ҳисоб процедураларидан фойдаланиши керак: аҳамиятли, яъни ундан фойдаланиш муайян даражада молия ҳисоботида келтириладиган фаолият кўрсаткичлари ва натижаларига таъсир қилиш мумкин.

Молия ҳисоботида келтириладиган ҳисоб ахбороти консерватив бўлиши керак, яъни активлар, мулкни баҳолашда, одатда, жоиз ва ҳоллардан энг паст танланади, бу агарда активлар ёки мулкнинг бозор нархи таннархдан юқори бўлса, яъни ҳисоботда бойликлар, энг паст баҳода, яъни таннарх бўйича кўрсатилади. Аксинча, яъни агарда активлар ёки мулкнинг бозор нархи таннархдан паст бўлса, унда бу бойликлар бозор нархларида акс эттирилади. Ушбу хусусият активлар ва мулкни баҳолашда эҳтиёткорликни

таъминланганидек, фойда миқдорини аниқлашда ҳам муҳим ўрин тутadi. Молия ҳисоботларида келтириладиган бухгалтерлик ахбороти тўла ва ахборот фойдаланувчилари учун зарурий манбаларни энг кўпини ўз ичига олган бўлиши керак.

Ахборотларга қизиқиш қуйидаги мазмунда берилишини талаб этади:

- инвесторлар ва уларнинг вакиллари улар томонидан қўйилган инвестициялардан кутилаётган даромадлар ва хатарлар ҳақидаги ахборотлар ҳақида; инвестициялар бўйича имкониятлар ва уларни идора этилиши ҳақида;

- ташкилотларнинг дивиденд тўлай олиш қобилияти ҳақида кабилар.

Молия ҳисобини ташкил этишдаги концепцияларни рўёбга чиқаришда қуйидаги талаблар ҳисобга олинади:

- ташкилотнинг мажбуриятлари ва мол-мулклари шу ташкилотдаги мулк эгаларининг мажбуриятлари ва мол-мулкидан алоҳида ҳисобга олинади;

- ташкилот ўзининг фаолиятини кузатилган келажақда ҳам давом эттиради, бу ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиш ёки ликвидация қилиш каби ниятлари мавжуд бўлмайди, шу билан бирга ўрнатилган қонун-қоидалар бўйича мажбуриятлар тўланиб борилади;

- ташкилот томонидан танлаб олинган ҳисоб сиёсати жорий йилнинг кейингисига нисбатан, бир ташкилот чегарасида, шунингдек ўзаро боғлиқ ташкилотлар миқёсида қўлланилади.

Молия ҳисоботини ташкил этиш ва молия ҳисоботини тузиш концепциясининг асосий принципларидан яна бин ҳар бир хўжалик операциясини, хўжалик фактини иқтисодий мазмун ва икки хиллик хусусиятдан келиб чиқиб, молия ҳисобининг бир хил суммада акс эттиришга имкон берадиган қўш ёзув услубини қўллаш ҳисобланади.

Синтетик ва таҳлилий рақамлар ёрдамида ташкил этилажак тизимни бухгалтерлик ҳисоби молия ҳисоботида умумлаштирилган корхона мулки ва

унинг шаклланиш манбалари ҳақидаги аниқ пухта ахборотни олишга имкон беради.

Молия ҳисоби ва ҳисоботи асосида ўтказиладиган корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш имкониятининг мавжудлиги ҳам асосий қоида ҳисобланади. Корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш, баланс активлари ликвидлилигини аниқлаш, ишлаб чиқариш захиралари ва бошқа моддий бойликларнинг нақдлилигини аниқлаш, шунингдек катор коэффициентларни ҳисоблашни назарда тутди.

Молиявий ҳисоботдан нафақат корхона ичида фойдаланиш, балки у асосан ташки фойдаланувчиларга йўналтирилганлиги сабабли, халқаро қоида ва стандартларга мувофиқ ўтказилиши лозим бўлган аудиторлик текшируви зарурлилигини ҳам характерлайди.

Аудитор хулосаси мустақил аудиторлик фирмаси томонидан молия ҳисоботига изоҳларни акс эттирган ҳолда тузилади. Шунингдек, молия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини ташкил этиш пайтида инфляцияни ҳисобга олиш муҳим масала ҳисобланади.

Молия ҳисобининг қабул қилинган принциплари мамлакатларнинг кўпчилигида бошланғич нархларга асосланган кўрсаткичларни ўз ичига олган молия ҳисоботлари (молия ведомостлари)га йўналтирилган.

Бундай ёндашув икки сабаб билан тушунтирилади, бошланғич нархлар, корхона битим содир этилган сониясида тўловни амалга оширган ёки маблағларни олган ҳақиқий нархларни ифодалайди: бошланғич нархлар, одатда, мустақил шериклар ўртасида тижорат битимининг тузилиши натижаси ҳисобланади ва шунинг учун холис ва текшириб тўлайдиган молия операцияларининг кўрсаткичларидан иборат бўлади.

Республикамизда бозор муносабатларига асосланган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимига ўтиш бўйича ислохотлар олиб борилмоқда. Чунки халқаро стандартларга мос бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва уларнинг таҳлилисиз корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш мумкин эмас.

Мустақиллик йилларида республикамизда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартлар даражасига чиқариш борасида талайгина ишлар қилиб келинмоқда. Молиявий ҳисоботлар тизимидаги ўзгаришлар ҳисоб тизимида қўлланила бошланиши бўлди. Булардан ташқари бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича Миллий Стандартларнинг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши натижасида республикамизнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимида қатор янгиланишлар содир бўлди. 1996 йил 30-августда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси халқаро андозалари асосида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқди.. 2002 йил 1-январдан бошлаб Республикамиз бухгалтерия ҳисобини юритишда янги счётлар режаси асосида янги ҳисобот тузиш шаклларида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мос ҳисоб-китоб ишларини бошлайди.

3.4. Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобнинг асосий тамойиллари

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати субъект томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузишда қўлланиладиган ўзига хос қоидалар ва амалий ёндашувларни ифодалайди.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати субъект раҳбари томонидан «Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1-сон БХМА асосларида тақдим этиладиган молиявий ҳисоботнинг йилма-йил қиёсланиши учун тузилади. Ҳисоб юритиш сиёсати шундай ташкил қилиниши керакки, унда молиявий ҳисобот барча учун қулай бўлган БХМА асосида тузилиши мумкин бўлсин.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати қуйидагича бўлиши лозим:

- фойдаланувчилар эҳтиёжлари учун аҳамиятли;
- ишончли бўлиши;
- айнан шундай фаолият юритувчи бошқа субъектларнинг молиявий ҳисоботларини таққослаш имкониятини бериши;
- тушунарли ва оддий бўлиши шарт.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишни ташкил қилишнинг аниқ йўналиши бўйича субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати шакллантирилишида Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини қўллаш лозим.

Корхонанинг ҳисоб юритиш сиёсатини танлаш ва асослашга қуйидаги омиллар таъсир этади:

- мулкчилик шакли ва ташкилий-ҳуқуқий шакл;
- фаолият тури ёки тармоқ бўйсунуви;
- ишлаб чиқариш кўлами ҳамда ишловчи ходимларнинг сони;
- солиқ солиш тизими билан муносабат (ҳар хил солиқлардан озод бўлиш, солиқ ставкалари, солиқ солиш бўйича имтиёзлар);
- бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳаракат қилиш эркинлигининг даражаси;
- молия-хўжалик фаолиятининг ривожланиш стратегияси (узоқ келажақда корхонанинг иқтисодий ривожланиш масалалари ва мақсадлари, сармояларнинг кутилаётган йўналишлари, келажақдаги масалаларни ечишдаги тактик ёндошувлар);
- бошқарав фаолиятининг техник жиҳатдан қуролланганлиги;
- корхонани маълумотлар билан таъминлашнинг самарали тизимининг мавжудлиги;
- бухгалтерия ходимларининг малака даражаси, корхона раҳбарларининг ташаббускорлиги, талабчанлиги ҳамда тадбиркорлиги;
- корхона иши самарасидан моддий манфаатдорлик ва мажбуриятлар бўйича моддий жавобгарлик тизими.

Корхона раҳбари юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоб юритиш сиёсатини асослаши ва тўғри ёндашиши мумкин. Махсус БХМАлар бўлмаганда, корхона раҳбари ҳисоб юритиш сиёсатини ишлаб чиқишда ўз

тушунчаларидан фойдаланишга ҳақли, чунки у фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботлардан фойдали ахборотларни бера олади. Ўз тушунчаларини қўллаш жараёнида корхона раҳбари БХМАнинг шу каби масалалар бўйича талаблари ва кўрсатмаларини, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан еълон қилинган ҳар қандай бошқа ахборотни, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар учун уларни аниқлаш, акс эттириш ва ўлчаш баҳоларини, капиталнинг асосий жаҳон молиявий бозорлари томонидан қабул қилинган тармоқ амалиётини кўриб чиқади.

Ҳисоб юритиш сиёсатини шакллантиришда бухгалтерия ҳисобини юритиш учун танланган усуллар маъмурий ҳужжат еълон қилинган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб қўлланилади, ҳисобот йили давомида янги тузилган хўжалик юритувчи субъектлар бундан мустасно.

Янги тузилган хўжалик юритувчи субъект биринчи ҳисоботини еълон қилгунга қадар, ўзи танлаган ҳисоб юритиш сиёсатини расмийлаштиради ва уни юридик шахс мақомини олган вақтдан бошлаб, 90 кун ичида амалга оширади. Субъект томонидан танланган ҳисоб юритиш сиёсати юридик шахс мақомига ега бўлган вақтдан (давлат рўйхатидан ўтгандан) кейин қўлланилиши мумкин.

Календар йили давомида ҳисоб юритиш сиёсати ўзгартирилмайди.

Қуйидаги ҳолларда хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида ўзгаришлар бўлиши мумкин:

- субъект қайта ташкил етилганида;
- мулкдорлар ўзгарганида;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоботини меъёрий тартибга солиш тизимида ўзгаришлар бўлганида;
- Бухгалтерия ҳисобининг янги омилларини ишлаб чиқишда.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан боғлиқ бўлмаган ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларнинг оқибатлари бухгалтерия ҳисоби

юритишда ўзгартирилган омилларнинг қўлланилиш куни (ойнинг биринчи санаси)дан субъект томонидан текширилган қиймат кўринишида баҳоланиши керак.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати 1-сон БХМАнинг 16-50 бандларида ва «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асослари»да келтирилган асосий тамойилларга асосан аниқланиши мумкин:

- ҳисоблаш тамойили;
- икки ёқлама ёзиш усули;
- узлуксизлик;
- хўжалик муомалалари, активлар ва пассивларнинг пулдаги баҳоси;
- ишончлилиқ;
- еҳтиёткорлик;
- мазмуннинг шаклдан устунлиги;
- кўрсаткичларнинг қиёсийлиги;
- молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги;
- активлар ва пассивларнинг аниқ баҳоси;
- ҳисобот даври даромад ва харажатларининг мослиги;
- тушунарлилиқ, оддийлик;
- аҳамиятлилиқ;
- муҳимлик;
- ҳаққоний, холис тақдим этиш;
- тугатилганлик;
- изчиллик;
- ўз вақтидалиқ;
- оффсеттинг (ўзаро қопланиш);
- холислиқ (объективлик).

Ҳисоблаш қондаси. Ҳисоблаш қондасига асосан активлар, пассивлар, ўз капитали, даромадлар, харажатлар, хўжалик муомалалари ва ҳодисалар

содир етилган пайтда бухгалтерия ҳисобида кўрсатилади, улар бўйича пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти олинган ёки тўланган вақт бундан мустасно.

Бухгалтерия ёзувлари ҳисобда ҳисоблаш тамойилидан фойдаланилган ҳолда, хўжалик муомалаларининг содир бўлиш вақтида амалга оширилади. Бу тамойилга мувофиқ, маҳсулот харидорга берилгандан кейингина реализация қилинган ҳисобланади, яъни юкланган (туширилган) маҳсулотнинг қиймати реализациядан олинган тушум ҳисобланади. Ижара ҳақи ўзи тўланиши лозим бўлган даврдаги харажат сифатида ижарачининг бухгалтерия регистрларида мос равишда акс эттирилиши лозим. Шундай қилиб, ҳисоблаш тамойили субъектнинг даромадлари ва харажатлари тегишли бўлган келиб тушиш санасидан қатъий назар, ҳисобот даврида акс эттирилишини билдиради.

Молиявий ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботдан ташқари, ҳисоблаш қондаси асосида тузилади.

Икки ёқлама ёзиш усули. Икки ёқлама ёзиш усули билан ҳисоб юритиш қондаси хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия муомалаларини икки ёқлама ёзиш тизими асосида юритиш кераклигини билдиради. Икки ёқлама ёзиш тизими бир хил муомала бўйича айнан бир хил суммани бухгалтерия ҳисобининг икки ҳисобварағида - бирининг дебети ва бошқасининг кредитида акс эттирилишидан иборат бўлади.

Узлуксизлик. Узлуксизлик тамойили бухгалтерия ҳисобини юритиш муддати хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият кўрсатиш муддатига мос келиши кераклигини, яъни хўжалик юритувчи субъектда бухгалтерия ҳисоби уни тугатиш ёки банкрот бўлгунига қадар олиб борилиши кераклигини билдиради. Ўз фаолиятини тугатган кундан бошлаб хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисобини юритишни тақозо қилмайди.

Хўжалик муомалалари, активлар ва пассивларнинг пул баҳоси. Барча хўжалик муомалалари, активлар ва пассивлар ягона пул бирлигида баҳоланиши керак. Бу корхона мулкани, унинг мажбуриятларини баҳолаш,

ҳар хил иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун бошқа субъектлар фаолиятининг ўхшаш кўрсаткичлари билан таққослаш учун зарурдир.

Ўзбекистон Республикасида сўм ва унинг таркибий қисми - тийин пул ўлчови бўлиб ҳисобланади.

Айни вақтда, агар ресурслар, мажбуриятлар ва капитал чет ел валютаси эквивалентида сотиб олинган ёки киритилган бўлса, у ҳолда таҳлилий ҳисобда чет ел валютаси ҳисобини юритиш учун зарур.

Ишончлилик. Ахборотда жиддий ёки олдиндан ўйлаб киритилган хатолар бўлмаса ва фойдаланувчилар унга ишонсалар, у ишончли ҳисобланади. Хўжалик муомалалари ишончилигини бирламчи ҳисоб ҳужжатлари тасдиқлайди.

Молиявий ҳисоботлар ҳамда ҳисоб регистрларидаги маълумотларнинг ишончилиги учун жавобгарлик ҳисобот шакллари ва бошқа молиявий маълумотларни тузган ва имзолаган шахслар зиммасига юкланади.

Эҳтиёткорлик. Эҳтиёткорлик тамойили молиявий ҳисоботда активлар ва даромадларнинг орттирилган баҳоси ҳамда мажбуриятлар ёки харажатларнинг баҳосини пасайтириб кўрсатилишига йўл қўймасликни англатади. Ушбу тамойилни қўллаш яширин заҳираларни ҳосил қилиш ёки орттирилганлигини таъминлаш активлар ва даромадларни, мажбуриятлар ва харажатларни атайлаб пасайтириб ёки орттириб кўрсатиш ҳуқуқини бермайди.

Мазмуннинг шаклдан устунлиги. Бу тамойил, агар ахборот ишончли бўлсада, лекин юридик жиҳатдан нотўғри шаклда тақдим етилган бўлса ва қарор қабул қилиш учун зарур бўладиган барча маълумотларни ўзида акс эттирсагина қўлланилади. Бундай ҳужжат маълумотлар қандай шаклда тақдим етилишидан қатъий назар ҳисобга олиниши керак.

Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги. Молиявий ахборот фойдали ва мазмунли бўлиши учун ахборот ҳар хил ҳисобот даврлари бўйича қиёсий бўлиши керак. Молиявий ҳисоботда барча қиёсий ахборотни аввалги даврга нисбатан ҳамма маълумотлар бўйича ёритиш зарур. Ўтган давр молиявий

ҳисоботида шарҳланган ва ёзма жорий ҳисобот даври учун тақдим етилган ҳамда янгиланган бўлиши керак, бу жорий ҳисобот даври молиявий ҳисоботларини холис тақдим етилиши учун зарур бўлсагина амалга оширилади.

Молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги. Молиявий ҳисоботда келтирилган ахборотларнинг ишончилигини таъминлаш учун улар хатолардан холис ва мустақил бўлиши, яъни фойдаланувчилардан қатъий назар молиявий ахборотларнинг бир хил кўринишда тақдим қилинишини таъминлаши керак.

Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси. Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳолаш шарти уларнинг ҳақиқий таннархи ёки сотиб олинган нархи баҳолашнинг асоси бўлишини назарда тутди.

Ҳисобот даври даромадлари ва харажатлари мослиги. Ҳисобот даври даромадлари ва харажатлари мослиги фақат ушбу ҳисобот даврида даромад олишни таъминлаган харажатлар акс эттирилишини билдиради. Агар айрим кўринишдаги харажатлар ва даромадларнинг бевосита боғлиқлигини аниқлаш қийин бўлса, харажатлар бир неча ҳисобот даврлари орасида тақсимотнинг бирон-бир тартиби асосида тақсимланади.

Тушунарлилик. Молиявий ҳисоботларда берилаётган ахборот фойдаланувчилар учун оддий ва тушунарли бўлиши керак. Натижада фойдаланувчиларга молиявий ҳисоботларни ўқий олиш талабини қўяди.

Аҳамиятлилик. Молиявий ахборотлар фойдаланувчилар қарорлар қабул қилиш жараёнида ёрдам бериши ва муомала молиявий-хўжалик фаолиятига тааллуқли воқеалари баҳолашда ёрдам бериш эҳтиёжларини қондиришда аҳамиятли бўлиши керак.

Муҳимлик. Агар ахборотнинг муҳимлиги уни ўтказиб юборганида ёки нотўғри тасавур қилинганда, молиявий ҳисоботлар асосида ахборотдан фойдаланувчилар томонидан иқтисодий қарорлар қабул қилишларига таъсир еца, ахборот муҳим ҳисобланади.

Муҳимлик тамойилига кўра молиявий ҳисоботларда ҳамда тушунтириш хатларида битта моддада бошқа унча муҳим бўлмаган бир хил типдаги моддаларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳаққоний ва холис тақдим этиш. Молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларнинг турларидан қатъий назар, субъектнинг молиявий ҳолати, муомалалар натижалари, пул маблағлари ҳаракати ҳақида ҳаққоний, холис тасавур ҳосил қилиши керак.

Тугатилганлик. Ишончлилиқни таъминлаш мақсадида молиявий ҳисоботдаги ахборот тўлиқ ва тугатилган бўлиши керак, яъни ҳисобот тузиш соҳасида жорий даврдаги ҳамма муомалалар ҳисобга олиниши ва бухгалтерия ёзувлари амалга оширилиши ва тугатилиши шарт.

Изчиллик. Фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволидаги ўзгариш йўналишларини аниқлаш учун турли даврлардаги ҳисоботларни қиёслаш имкониятларига ега бўлишлари керак.

Молиявий ҳисобот бандларини тақдим этиш ва таснифлаш, агар хўжалик юритувчи субъектнинг муомалалари моҳиятидаги ва ҳисоботдаги шаклларни таҳлил қилиш тартиби ёки қонунда ва атроф-муҳитдаги жиддий ўзгаришлар ҳисоботни тақдим этиш турларини ўзгартириш лозимлигини тақозо етмаса, у ҳолда даврдан-даврга сақланиб қолиши лозим.

Ўз вақтидалик. Маълумот ўз вақтида тақдим етилсагина, фойдаланувчилар учун фойдали ҳисобланади. Молиявий ҳисобот тузилган кундан кейин фойдаланувчилар ихтиёрига белгиланган муддатда етказиб берилмаса, молиявий ҳисоботларнинг фойдалилиги пасайиб кетади. Ҳисобот маълумотлари асоссиз кечиктирилса, у ўз аҳамиятини йўқотган бўлади.

Оффсеттинг (ўзаро қоплаш). Активлар пасивлар ўртасида ўзаро қопланишни амалга ошириш мумкин емас. Даромадлар ва харажатлар ҳисобланган бўлса, шунга қарамасдан хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботлар изоҳида муҳимлик қоидаcига асосан ушбу суммани ёритиш масаласини кўриши лозим.

Холислик (объективлик). Молиявий ҳисобот субъектнинг молиявий аҳволи, фаолиятининг молиявий натижалари ва пул маблағлари ҳақида холис ахборот бериши керак. Холислик қондасига эришиш учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби юритишда ва молиявий ҳисобот тузишда БХМА ва ҳисоб юритишнинг асосий тамойилларини қўллаши лозим.

IV. БОБ.ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ҲАЁТҲАОЛИЯТИ ҲАВҒСИЗЛИГИ

Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги бўйича қўйилган асосий мақсад - бу инсоннинг жамият тараққиётидаги ролидир. Ҳаёт фаолият ҳавфсизлиги - бу ҳар қандай шароитдаги инсон фаолиятидир. Инсоннинг ҳамма фаол ҳаракати, яъни меҳнат жараёнида, дам олишда, уйда ҳамда спортдаги фаолиятини ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигида ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги ўз таркибига инсон фаолиятининг атроф-муҳит билан алоқаси, меҳнат фаолиятидаги ҳавфсизлиги ва ғавқулодда вазиятлардаги ҳавфсизлиги бўлимларини қамраб олади. Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги тамойил ва усуллар асосида: бахциз ҳодисалар, қурбонлар ва улар натижасида келиб чиқадиган зарарларни камайтириш масалаларини кенг миқёсда қўядиган ва ҳал қиладиган воситадир. Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги - бу ҳар қандай кўринишдаги фаолиятга қўлланиши мумкин бўлган ҳавфсизликнинг назарий асосидир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 8 февралдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш учун таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш учун таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди. Мазкур Қоидалар ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим муассасалари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ташкилотларга тааллуқлидир.

Таълим муассасалари талабалари меҳнатидан фойдаланиш жараёнида меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан назорат махсус ваколат берилган давлат органлари,

меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан сайланган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олишда банд бўлган таълим муассасалари талабаларига иш турлари бўйича белгиланган тартибда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқ берилиши керак. Бунда улар олдига қуйидаги талаблар қўйилади:

Таълим муассасалари талабалари меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ишлар:

- Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатига мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

- Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низомга мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

- Аёллар меҳнатидан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхатига мувофиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига ега бўлган ишларга жалб қилинмайди.

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-бандига мувофиқ ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун — улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Меҳнат ва дам олишга қуйидаги талаблар қўйилган: Ташкилотларда ўқувчи ва талабаларнинг иш вақти, дам олиш вақти, шунингдек

қисқартирилган иш вақти қонун ҳужжатлари талаблари асосида ташкилотларнинг ички меҳнат қоидалари асосида белгиланади. Иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун еса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланиши лозим. Талабаларни иш вақтидан ташқари ҳамда тунги ишларга жалб қилиш қатъиян тақиқланади.

Талабаларни дала ишларига олиб бориш ҳамда олиб келишда хавфсизлик талаблари: Ҳар бир транспорт воситасига жойлаштириладиган талабалар сони транспорт воситасининг техник ҳолатидан келиб чиққан ҳолда раҳбарият томонидан белгиланиши ҳамда ҳар бир транспорт воситасидаги талабалар рўйхатга олиниши лозим. Ҳар бир транспорт воситасидаги талабаларга алоҳида раҳбар тайинланади. Раҳбар уларни назорат қилиб бориши лозим. Бунда талабаларни ташиш учун мўлжалланган транспорт воситаларидан, уларнинг юklarини олиб боришда еса, юк ташишга мўлжалланган транспорт воситасидан фойдаланиш шарт. Транспорт воситасида талабаларнинг транспорт воситаси ойнаси ҳамда бошқа жойларидан қўл, бош ва бошқа аъзоларини чиқаришлари тақиқланади.

Талабаларни вақтинча яшаб туриш жойларидан далага олиб чиқиш ҳамда олиб келишга қўйиладиган хавфсизлик талаблари: Талабаларни далага олиб чиқиш ва олиб келишдан олдин раҳбар йўқлама қилиши ва уларга бажариладиган иш турлари бўйича тўлиқ тушунтириш, йўл-йўриқлар бериши лозим. Талабалар орасида касал ёки вақтинча иш қобилиятини йўқотганлар тиббиёт ходими назоратидан ўтади ва уларнинг соғликлари тўла тиклангунча дам олиш жойларида қолдирилади. Далага чиқадиган талабалар ишнинг турига ҳамда иқлим шароитига мос уст-бош кийган бўлиши лозим. Иш олиб бориладиган дала яшаш жойидан 3 км масофадан узоқда жойлашган бўлса, махсус транспорт воситаси ажратилиши керак. Иш жойларига олиб бориш ва қайтариб келиш фақат куннинг ёруғ пайтида амалга оширилиб, талабалар пиёда ҳаракатланганларида йўлдаги транспорт воситасининг қатновига

халақит бермаслик мақсадида саф бўлиб юришлари лозим. Саф бўлиб ҳаракатланишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва бошқариш мақсадида сафнинг бошида ҳамда охирида қизил байроқчали бошқарувчилар қўйилиши лозим. Иш жойига етиб келгандан сўнг талабалар рўйхат бўйича иш жойларига тақсимланиши лозим.

Дала ишларини бажаришда хавфсизлик талаблари: Талабалар дала ишларини бажаришдан олдин белгилаган тартибда мавсумий кийим-бош, соз иш қуроллари билан таъминланишлари лозим. Дала ишларига жалб қилинган талабалар ҳудуднинг раҳбари рухсати билан унинг кўрсатмасига асосан иш бошлашлари лозим. Талабалар дала ишларини бажараётган вақтида бир-бирларидан камида 2 м масофада жойлашишлари лозим. Талабалар куннинг ёруғ вақтида ишлашлари лозим.

Вўза қатор орасига ишлов беришда хавфсизлик талаблари: талабалар ишни бошлашдан олдин иш қуроли созлигини кўздан кечириши, текшириб кўриши, иш қуроли носозлиги аниқланган ҳолатда дарҳол раҳбарга хабар бериши ва уни алмаштириши лозим. Талабалар ишлаётган ҳудудларда ҳаракатланаётган механизмлардан камида 10 м узоқликда ишлашлари лозим. Бунда механизм ҳаракатланаётган йўналишда талабаларнинг ишлашига ёки яқинига боришга умуман йўл қўйилмайди. Талабалар ишлаётган ҳудудда зовур ва каналлар бўлса, уларнинг яқинига бориш тақиқланади. Талабаларнинг улар ишлаётган ҳудудлардаги электр қурилмаларига яқинлашиши тақиқланади. Далада чанг, тўзон, қаттиқ шамол, ёғингарчилик рўй берганда ишни тўхтатиш ва пана жойга ўтиш лозим.

Вўза кўчатларини сийраклаштиришда (ягана) хавфсизлик талаблари: Вўза кўчатларини сийраклаштиришда (ягана) ишлатиладиган иш қуролининг созлигини текшириб кўриши ҳамда ушбу иш қуролидан тўғри фойдаланишни билиши лозим. Талабалар ўза кўчатларини сийраклаштириш (ягана) ишларини қўл ёрдамида бажарганда махсус қўлқоплардан фойдаланишлари лозим. Талабалар махсус кийимсиз ўза кўчатларини сийраклаштириш (ягана) ишларига рухсат қилинмайди.

Ѓўзани чилпиш (чеканка) қилишда хавфсизлик талаблари: талабалар чеканка қилиш ишларини бажараётганда ғўзанинг тегишли жойларини қўл бармоқлари ёрдамида узишлари лозим, тирноқ билан бажаришга йўл қўйилмайди. Талабалар чеканка ишларини бажараётганда егат ичидаги чуқур, нотекис ва кесак йиғилиб қолган жойларга ётибор берган ҳолда еҳтиётлик билан ҳаракатланишлари лозим.

Пахта теримида қўйиладиган хавфсизлик талаблари: Ѓўза баргини тўкиши учун кимёвий ишлов берилган майдонга талабалар камида 10 кун муддат ўтгандан кейингина ишлашига рухсат етилиши лозим. Талабалар пахта теримида жалб қилинишидан олдин махсус кийим-бошлар билан таъминланиши керак. Талабаларнинг ғўза ичида, пахта ғарами устида ва даланинг бошқа мослаштирилмаган ҳудудларида дам олиш (ухлаш)ларига йўл қўйилмайди. Пахта даласида очик оловдан фойдаланиш, сигарета чекиш ҳамда бошқа ёнғинга сабаб бўлувчи воситалардан фойдаланиши қатъиян тақиқланади. Талабаларнинг пахта териляётган майдонда ҳаракатланаётган механизмларнинг олдига яқинлашиши, унинг йўналишига чиқиши тақиқланади. Талабаларнинг пахта ортилган тиркамаларга чиқиши ёки ҳаракатланаётган тиркамаларга осилишлари қатъиян ман қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-113 моддаларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш учун меҳнат шартномалари тузиш ва қишлоқ хўжалик корхоналари олдига қуйидаги вазифаларни бажариш юклатилган: Хавфсиз ва соғлом иш шароитларини таъминлаш; Касб касалликларини огоҳлантирувчи замонавий хавфсизлик техника воситаларини татбиқ этиш; Ишчи ва хизматчиларни бепул ҳимоя воситалари билан таъминлаш; Тиббий кўрикларни ўз вақтида ўтказиб туриш; Йўриқномалар билан ўз вақтида таништириб бориш; Меҳнатга яраша рағбатлантириш; Вояга етмаган ёшларни оғир ишларга жалб этмаслик ва ҳоказолар.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат шароитларининг яхшиланиши ижтимоий натижаларга, яъни меҳнаткашларнинг соғлиғини яхшилаш, ўз ишидан

мамнунлик даражасини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга олиб келади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Ҳисоб сиёсатининг ташкилий аспектида бухгалтерия ҳисобининг ечилиши зарур бўлган масалалари қуйидагилардан иборат:

- бухгалтерия хизматининг ташкилий шакллари;
- бухгалтерия хизматининг таркиби ва ҳисобни марказлаштириш даражаси;
- корхона бўлинмаларини алоҳида балансга ўтказиш.

Юқорида учта гуруҳга кирувчи муаммоларнинг энг оптимал равишда ҳал қилиниши корхона ҳисоб сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайди. Чунки ҳисоб сиёсатининг дастлабки босқичи ёки унинг услубий аспектида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси, яъни у бажариши зарур бўлган ёки ҳал қилиб бериши лозим бўлган ҳисоб жараёнлари кўрсатилган бўлса, ҳисоб сиёсатининг иккинчи босқичида ушбу вазифаларни амалга ошириш учун зарур техник усуллар белгилаб берилади.

Иккинчи босқичда биринчи босқичда белгилаб берилган вазифаларни бажариш учун технологик жараён ишлаб чиқилади.

Учинчи босқичда, яъни ҳисоб сиёсатининг ташкилий аспектида ушбу технологик жараённи бажарувчи ижрочилар ва уларнинг хизмат вазифалари аниқ белгиланиши зарур.

2. Хўжалик муаммолари кам бўладиган фермер хўжаликларига ҳисобнинг соддалаштирилган шаклини қўллашнинг тавсия этамиз. Бунинг учун амалдаги счётлар режаси асосида қисқартирилган (ишчи) счётлар режаси тузиш ксрак. Бу счётлар режаси хўжалик маблағлари ва уларнинг манбаларини бухгалтерлик ҳисоб регистрларида асосий счётлар бўйича олиб боришни таъминлайди ва шу асосда бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг аниқлиги устидан назорат қилинади. Қисқартирилган (ишчи) счётлар режасидаги айрим счётлар, ўз вазифалари билан бирга бу режага киритилмаган счётларнинг функцияларини ҳам бажариши назарда тутилган.

3. Бугунги кунда таҳлилнинг асоси бўлган молиявий ҳисоб корхоналар фаолиятини бошқаришда зарур бўлган керакли маълумотларни етказиб бериш, тўғри ва мукаммал бошқарув қарорларини қабул қилишда асосий манба бўлиб ҳисобланади, яъни корхонада бухгалтерия ҳисобининг тўғри йўлга қўйилиши, айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини оширишга, юқори самарали фаолият кўрсатишга, турли рақобатчилар майдонида енгиб чиқиб, юқори фойда олишга имконият яратади.

4. Ҳисоб юритиш сиёсати шундай ташкил қилиниши керакки, унда молиявий ҳисобот барча учун қулай бўлган БҲМА асосида тузилиши мумкин бўлсин.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати қуйидагича бўлиши лозим:

- фойдаланувчилар эҳтиёжлари учун аҳамиятли;
- ишончли бўлиши;
- айнан шундай фаолият юритувчи бошқа субъектларнинг молиявий ҳисоботларини таққослаш имкониятини бериши;
- тушунарли ва оддий бўлиши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», Тошкент-1996 й.
2. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Марказий банки тўғрисида», Тошкент-1996 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», Тошкент-1996 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Фермер хўжаликлари тўғрисида». Тошкент-2004 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Микромолиялаш тўғрисида»ги. Тошкент-2006 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-594 сон қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги «Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-725 сон қарори.
9. Каримов И.А. Ислоҳатлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. «Халқ сўзи», 2003 й. 18.02.
10. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Тошкент, «Ўзбекистон» 2005 й.
11. Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: «Ўзбекистон», 2009 йил.

12.Каримов И.А. «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир». Т.: «Ўзбекистон», 2010 йил.

13.Каримов И.А. «Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида» «Ўзбекистон» НМИУ, 2012 й

14.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича маҳсулот (иш, хизмат) таннархига киритиладиган харажатлар таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиши тартиби тўғрисида»ги Низом, 1999 й.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 7-ноябрдаги 383-сонли «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

16.“Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжат айланмаси тўғрисида” Низом. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сонли буйруғи билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2004 йил 14 январда 1297 сон билан рўйхатга олинган.

17.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 апрелдаги 1469- сонли «Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлил қилиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги қарори.

18. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб китоблар тўғрисида Низом,Тошкент-1998 й.

19.Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида пул муомаласини ташкил этиш ишлари бўйича йўриқнома. Тошкент-1998 й.

20. Абдуллаева Ш.З., «Пул, кредит ва банклар», Тошкент-2000 й.

21.Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Дарслик, Тошкент, 2004 йил.

- 22.Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. «Бухгалтерия ҳисоби». Дарслик. «Шарқ» нашриёти. Тошкент 2004 йил.
- 23.Мусаев Ҳ.Н.Аудит. Дарслик.Тошкент.: «Молия» , 2003 й. – 220 б.
- 24.Олимжонов О. ва бошқалар. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Тошкент, «Университет» 2005 йил.
- 25.Санаев Н.С. ва бошқалар. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Тошкент: 2006 йил.
- 26.Санаев.Н.С ва бошқалар “Иш билармон ва тадбиркорларга бухгалтерия ҳисоби, бизнес-режа, солиқ бўйича қўлланма” Самарқанд 2006 йил.
27. Холбоев Д. Молиявий ҳисобот, Самарқанд-2005 й.
28. Холбоев Д. Пул муомаласи, кредит ва молия, Самарқанд-2012 й.
- 29.Холмурзаев М.,Остонакулов О. Кредитлаш муаммо ва имтиёзлари. «Фермер» газетаси,2004 йил 8-сон.
- 30.Шавкиев Э. Ўзбекистон Республикасида молия ва молия тизими. Самарқанд-2000 й.
- 31.Қудратов Т.Қ. “Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг таҳлили” Самарқанд 2002 йил.
- 32.Қудратов Т. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Тошкент: «Илм-зиё» 2005 йил.
33. Интернет сайтлари
- а) www.mf.uz.
 - б) www.nalog.uz.
 - в) www.ZiyoNet.uz.
 - г) www.CamKXI.uz.